



XASR


IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 14-IYUL, PAYSHANBA, 28 (660)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz




Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Мустақил тараққиёт йўлимизнинг теран таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг "Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди" ва "Ҳаёт синовларида товланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир" номли китоблари "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида шу йил 30 июнь – 1 июль кунлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, мазкур вилоятларнинг фаоллари, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, самимий суҳбатлашди.

Соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш каби ўта муҳим ва долзарб масалалар бўйича фикр юритилди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақалари сингари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бергани мазкур китобларда алоҳида таъкидланади. Мустақил тузум даврида асосан пахта хомашёси етиштириш билан чекланган бу воҳаларда бугунги кунда замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик саноат корхоналари, коммуникация тармоқлари фаолият кўрсатаётгани, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик жадал ривожланиб, қишлоқ ва шаҳарлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси, онгу тафаккури, дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётгани ва бундай ютуқлар замирида мужассам бўлган омиллар ҳақида теран фикр-мулоҳазалар баён қилинади.



Ушбу китобларда тарихан қисқа муддатда Термиз, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб, мамлакатимизнинг энг йирик, жадал ривожланиб бораётган иқтисодий ва маданий марказларига айланган аниқ мисоллар асосида таҳлил этилади. Президентимизнинг китобларида мустақиллик йилларида халқимиз, Ватанимиз эришган барча ютуқ ва марраларда ҳамма ҳудудларимиз қатори Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари меҳнатқашларининг ҳам

муносиб ҳиссаси борлиги чуқур миннатдорлик билан эътироф этилади. Ҳажман кичик, лекин мазмунан чуқур бу китобларни "Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди" деган ҳаётий ҳақиқат бош го я сифатида бирлаштириб туради. Мухтасар айтганда, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг мазкур рисолалари истиқлол йилларида мамлакатимиз қандай оғир ва мураккаб, шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтгани, мустақиллик ҳар бир вилоятимиз, шаҳримиз ва қишлоғимиз, ҳар бир юрtdошимиз ҳаётида буюк ўзгаришларга асос ва замин бўлаётганини чуқур ағлашга хизмат қилади ва ана шу бебаҳо неъматни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга даъват этади.

Фракция фаолияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Муҳокама қизгин руҳда ўтди

Дастлаб депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёввойи ўсимлик турларининг генетик фондиди сақлаб қолиш ва қайта тиклаш бўйича улкан тажриба тўпланди. Ўтган давр мобайнида бу борада қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. – Маълумки, 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун мазкур соҳада дастуриламал вазифасини ўтаб келаётган эди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Комилжон Эрнazarов. – Бироқ мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодийтни либераллаштириш бўйича мақсадли сиёсатнинг олиб борилиши туфайли эришилган ижобий ўзгаришлар халқаро ҳуқуқ нормаларини инobatга олган ҳолда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги қонунда унинг нормаларини қўллашда ишлатиладиган асосий тушунчалар баён этилмаган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари ва унинг чегаралари назарда тутилмаган, бу борада фуқароларнинг ўзи-

ни ўзи бошқариш органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини белгилловчи нормалар мавжуд эмас, ўсимлик дунёсини объектларидан умумий ва махсус фойдаланиш ҳамда, ўсимлик дунёсини объектларидан махсус фойдаланишга руҳсатнома бериш тартиби тўлиқ акс этмаган, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ҳамда ноқонуний йиғилган ва тайёрланган ўсимлик дунёсини объектларини олиб қўйиш тартиби белгиланмаган, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, қайта етиштириш ва ундан самарали фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш қонуний жиҳатдан мустаҳкамланмаган. Шу боис мазкур қонун лойиҳаси кенг ва атрофлича муҳокамаларга сабаб бўлаётди. Мақсад эса битта: яъни, ушбу қонунни маромига етказиб қабул қилиш ва уни бугунги кун талабларига мослаштириш. Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси соҳа мутахассислари, экспертлар, фуқаролик ҳимияти институтлари ва ОАВ вакиллари ҳамда хорижий экспертлар иштирокида кенг муҳокамалардан ўтказилди. Қолаверса, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ундан самарали фойдаланиш ва қайта қўпайтириш масалаларига бағишланган 30 дан ортиқ конференция, давра суҳбати, семинар ва учрашувлар ўтказилиб, мавзу доирасида матбуотда ва интернет нашрларда қатор мақолалар chop этилмоқда.

Давоми 3-саҳифада

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўз ишини давом эттирмоқда

Саховатли заминимиз ноз-неъматлари

дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган нуфузли компания ва фирмалар, халқаро ташкилотлар ҳамда етакчи мутахассис, экспертлар эътиборини қозонмоқда



Маълумки, шу йил 1 июнда давлатимиз раҳбарининг "Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатта мувофиқ янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишнинг замонавий халқаро талаблар ва стандартларга мос келадиган самарали, шаффоф бозор механизмини шакллантириш, Ўзбекистонда экологик соф, истеъмолбоп хусусиятлари бўйича тенги йўқ сабзавот, мева, узум ва полдиз маҳсулотлари

етиштиришнинг го ят катта имкониятлари, шунингдек, уларнинг саноат асосида қайта ишланган тайёр сифатли маҳсулотлари тўғрисида чет эллардаги қайта ишловчи ва савдо компанияларини хабардор қилиш, ҳамкор шерикларни излаш ва улар ўртасида мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш шартномаларини тузишда қўлай шарт-шароитлар яратиш ва бу борада ҳар томонлама қўмаклашиш ҳамда республикамиз қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган бошқа чора-тадбирлар Халқаро

мева-сабзавот ярмаркасининг асосий вазифалари этиб белгиланди. Зеро, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бу – мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳамда унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат. Чунки экспорт салоҳиятини юксалтириш нафақат муайян бир мамлакатнинг, балки ҳар бир ташқи

иқтисодий фаолият субъектининг ҳам туб манфаатларини кўзда тутати. Мамлакатимиздаги қўлай сарможий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳага замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаётди. Хусусан, мева-сабзавотчилик соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга иқтисодлашган кўплав корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

Давоми 2-саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	2234,58	1 АҚШ доллари	2953,84	1 Хитой юани	441,79	1 Польша злотийси	739,35	1 ЕВРО	3282,45
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 12 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича буғалтарий курси, статистик ва бошқа ҳисобларни ортиқча, шунингдек, бошқа ва бошда мажбурий "ўзгалари учун хорижий валюталарнинг сўғта эмобатни қўридаги қийматини белгиледи."	1 Англия фунт стерлинги	3826,11	1 Миср фунти	332,64	1 Россия рубли	45,98	1 СДР	4113,43	10 Жанубий Корея вони	25,78
*) Валюта қийматини белгилеш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбур валюталарни уйбў қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.	1 Дания кронаси	438,69	1 Исландия кронаси	24,06	1 Украина гривнаси	118,93	1 Туркия лираси	1020,75	10 Япония йенаси	292,81
	1 БАА дирхами	804,18	1 Канада доллари	2265,74	1 Малайзия ринггити	741,89	1 Швейцария франки	3006,76		

ЭЪТИРОФ

Саховатли заминимиз ноз-неъматлари

« Давоми. Бошланчи 1-сифада

Қайд этиш зарурки, бугунги кунда жаҳон бозорида савдо ўрни учун қаттиқ рақобат кураши олиб борилмоқда. Бунда маҳсулотнинг нархи ва сифати, шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар даражаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Жаҳон бозоридида кескин рақобатга қарамай, Ўзбекистон дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотлар таркиби табиий шаклда, органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационалида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда афзалдир.

Ўзбекистон ўз имкониятларини жаҳонга намойиш қилиш мақсадида бир қатор нуфузли халқаро тадбирларда, семинарларда мунтазам иштирок этмоқда. Масалан, жорий йилнинг 15-24 январь кунлари Берлинда дунёдаги энг йирик "Яшил ҳафта - 2016" кишлоқ ҳўжалиги ярмаркаси ҳамда жаҳон давлатлари кишлоқ ҳўжалиги вазирларининг саммити бўлиб ўтди. Бу йили кўргазма ишида 68 давлатдан, жумладан, Ўзбекистондан 1730 компания ва фермер ҳўжалиги иштирок этди. Кўргазма натижаларига кўра Европа давлатларига 91,2 млн доллардан кўпроқ қийматдаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартнома ва келишувлар имзоланди.

Шу ўринда 2015 йилнинг 10 июнь кўни Римда БМТнинг Озиқ-овқат ва кишлоқ ҳўжалиги ташкилотига аъзо давлатларни очарчиликка барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатлари учун мукофотлаш маросими бўлиб ўтганини, унда Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришганлиги учун мукофотланган 14 мамлакатдан бири бўлганини алоҳида фахр билан эслаш мақсада мувофиқ.

Бўлиб ўтаётган халқаро ярмаркада АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амириклари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Хиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркменистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби қирқдан зиёд мамлакатдан кўплаб халқаро савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, кишлоқ ҳўжалиги соҳасига ихтисослашган вазирлик ва идоралар, логистика компаниялари, мамлакатимизнинг мева-сабзавотчилик соҳасида иш юритувчи корхоналари иштирок этмоқда.

Ушбу йирик анжуман озиқ-овқат саноати ва кишлоқ ҳўжалиги соҳасининг барча замонавий

йўналишларини ўзда муважжам этган. Унда ҳўл ва қуруқ мевалар, цитруслар, сабзавотлар, кўкатлар, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқлар, зираворлар, ичимликлар, қадоқлар ва қадоқлаш технологиялари, транспорт ва логистикага оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

Ўзбекистон мева-сабзавотчилик соҳаси вакилларининг маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган компаниялар экспозицияларида кенг ўрин эгаллаган. "Afroz-Kamol-Nabi", "Delta Ekspres", "Fergana Agroexport Biznes", "Qashqadaryo Agroeksport Info", "Different Med", "Business Diamond Invest" корхоналари шулар жумласидандир. Улар хилма-хил турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини намойиш қилиб, ўз хизматларини тақлиф этмоқда.

Ярмарка доирасида экспортчилар ва Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари харидорлари ўртасида ўзаро учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Тадбир қатнашчилари мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, интенсив боғлар, музлаткичи омборлар билан таништирилмоқда.

Миришкор, иш кўзини биладиган фермерларимиз, тадбиркорларимиз ушбу ярмарка учун айна муддао бўлганини мамнуният билан таъкидлашмоқда. Кўргазманинг фаолиятни кенгайтириш, даромадни кўпайтириш, маҳсулот сифатини янада оширишда бекиёс аҳамият касб этиши, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик режаларини белгилаш, икки томонлама манfaatли шартномалар имзолаш, хорижий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилиши ҳақида қувониб сўзламоқдалар.

Орзу САИДОВ,
Ўرғут туманидаги "Urgut zamin sohibkori" агрофирмаси директори, O'zLiDeP аъзоси:



— Президентимизнинг халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ўтказиш тўғрисидаги қарори соҳага қанчалик юксак эътибор қаратилаётганини яна бир амалий ифодаси бўлди. Изчил гамхўрлик, яратилаётган қўлай бизнес муҳити бизга улкан далда берапти, кўчимизга куч қўшаяпти. Хусусан, буни шундан ҳам билиш мумкинки, фирмамиз ташкил қилинганига эндигина 6 ой тўлган бўлса-да, хорижга 300 тонна мева-сабзавот экспорт қилишга муваффақ бўлдик.



Тасарруфимизда 5 гектар ер бор. Астойдил тер тўкила, замин саховатини аймайди, албатта. Сара маҳсулотларимизнинг харидори кўп. Кўргазманинг илк кунидеяк россиялик тадбиркор, 150 дан зиёд "Сладкая жизнь" дўкони соҳибни А.Зуев биз билан ўзаро манfaatли ҳамкорлик қилиш истагини билдирди. Бошқа мамлакатлардан келган ишбилармонлар билан ҳам ҳар икки томон учун фойдали турли тақлифлар, гоғларни муҳокама қилаямиз.

O'zLiDeP аъзоси сифатида озиқ-овқат соҳасида амалга оширилаётган манзилли дастурлар ва чора-тадбирлар ижросини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Чунки бу йўналишдаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан партия электорати — тадбиркор ва фермерлар фаолияти билан боғлиқлиги сиёсий кўчнинг бу борадаги масъулияти янада жиддийлигини исботлайди.

Фурқат БЕРДИАЛИЕВ,
Бағдод туманидаги "Арамати Бағдада" хусусий корхонаси раҳбари, партиямиз фаоли:



— Ушбу ярмарка биз кўтгандан ҳам кўра аъло даражада ўтпти. Ташриф буюрувчилар учун ҳам, маҳсулотларини намойиш қилувчилар учун ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Жумладан, ҳамкасблар, кўплаб ташкилотлар вакиллари билан мулоқотга киришиб, тажриба алмашяғимиз, фикрлашяғимиз. Умуман, кўргазма биз учун ҳар жиҳатдан маъқул. Ўлкамиз тупроғининг ҳар бир миқрли дурри гавҳар,

деган таърифда сира муболага йўқ. Чунки, ҳатто қаламғиримизнинг ҳам қиймати беланд, талабгори бисёр. Корхонамизда асосан шу турдаги маҳсулот қайта ишланиб, Россия ва Украинага экспорт қилиняғти. Утган йили 175 минг долларга тенг маҳсулотларни чет элга жўнатяғдик. Амалдаги йилда эса 90 минг АҚШ доллари миқдоридида шартномалар имзоляғдик. Кўргазма бу борадаги имкониятларимизни янада кенгайтиради. Осмёнинг бир неча давлатидан келган ишбилармонлар маҳсулотимизга қизиқяғ билидяғияпти.

Яна шунинг ҳам қайд этишини истардимки, 2013-2014 йилларда 55 минг АҚШ долларига келтирилган, қадоқловчи, қуритувчи, майдаловчи ускуналаримиз бизга жўндистонлик ва хитойлик корхоналар билан бемалол рақобатлашиш имконини берапти.

Бехўд ИСРОИЛОВ,
Солиҳ ЗОИР (суратлар)
"XXI asr" мухбирлари

Сўз — халқаро ярмарка иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТЛАРИ СИФАТИ, РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ БИЛАН ДУНЁДА МАШХўР

Здуард СТИПРАЙС,
Латвия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари:

— Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Унда кўплаб латвиялик тадбиркорлар иштирок этмоқда. Ярмарка стендларининг ҳар бири ўзинга хос тарзда безатилгани, экспозициялар дэзайни бетакорлиги билан ажралиб турибди.

Ўзбекистоннинг тотли қовун-тарвузлари ва узумлари Латвияда жуда харидорлиг. Улар ўзининг сифати ва хуштаъмилиги билан барчага манзур. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилётган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, қуритилган мазаали мевалар Рига шаҳрида 2014 йилнинг апрель ойида очилган Ўзбекистон савдо уйи ёрдамида Латвия бозорига етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигимиз изчил ривожланаётгани бизни фойдалантиради. Айни пайтда мамлакатингиздаги қатор фермер ҳўжаликлари, соҳага оид илмий муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаямиз.

Президент Ислам Каримовнинг Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ҳар йили ўтказишга оид қарори нўхратда долзарб ҳўжат эканини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу мавжуд экспортчилар фаолиятини янада ривожлантиришга, мева-сабзавотчилик соҳасига янги ишлаб чиқарувчи ва экспортчиларни жалб этишга хизмат қилади. Ярмарка Ўзбекистон тадбиркорлари учун ҳам, Латвия харидорлари учун ҳам жуда фойдали бўлиб, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Жанг ГУЕН,
"SNP System" компанияси президенти (Жанубий Корея):

— Ўзбекистон қўрқам боғ-роғлари, ширин-шакар мевалари билан дунёга машхўр. Кўш нурига тўйинган бундай мазаали меваларни бошқа ҳеч қайси мамлакатда учратмаганман. Мамлакатингизда етиштирилётган мева ва сабзавотлар, улардан тайёрланаётган маҳсу-

лотлар юқори сифати, хуштаъмилиги ва табиийлиги билан ҳавасимизни тортиди. Меваларнинг бу қадар қўлиги, турларининг хилма-хиллиги, бир-биридан мазаали экани бизни лол қолдирди. Компаниямиз кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги қатор корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиш, тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро фойдали шартномалар имзолаш ниятидамыз.

Оливьер ДЮРАН,
Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи:

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳалар қатори кишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати ҳам изчил ривожланмоқда. Жаҳон банки мамлакатингиз билан турли соҳалар қатори мева-сабзавотчилик тармоғида ҳам амалга оширилаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик соҳаси инвестицияларимиз жалб этилаётган асосий тармоқлардандир. Зеро, мазкур соҳани ривожлантириш мамлакат иқтисодий ўсиши янада тараққий этишига, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатингизда хусусий секторни янада такомиллаштириш борасида олиб борилётган кенг қўламли ишларни юксак баҳолаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистон иқтисодий тараққийёти янада юксалиши йўлида барча соҳаларда, жумладан, кишлоқ ҳўжалиги, мева-сабзавотчилик ва хусусий секторни янада ривожлантириш бўйича фаол ҳамкорлик қилишга доимо тайёرمىз.

Али Абдулла ал МАЗРОВИЙ,
Бирлашган Араб Амирикларидаги "Tashkent vegetables fruits trading" компанияси бош менежер:

— Ўзбекистон мева-сабзавот ва узум етиштириш бўйича етакчи мамлакатлар-

дан бири. Компаниямиз мева-сабзавотлар савдоси билан шуғулланади. Ярмарка доирасида Сабзавот, полиз экинлари ва картоқчилик илмий-тадқиқот институти олимлари билан суҳбатлашиб, бир қатор янги навлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида билиб олдик. Тошкент вилоятидаги корхоналардан бирида ана шундай меваларни саралаш, сақлаш ва экспортга тайёрлаш жараёни билан танишдик. Бу ерда фаолият юритаётган ёшларнинг ғайрати таҳсинга лойиқ, ишлаб чиқариш жараёнида тозалик ва санитария меъёрларига қатъий риоя қилинаётгани халқаро талабларга тўла жавоб беради. Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро манfaatли шартнома имзолаш ниятидамыз.

Варвик ИСДОУН,
Халқаро сабзавотчилик марказининг Марказий ва Жанубий Осиё бўйича минтақавий директори:

— Кейинги 20 йил давомида жаҳонда сабзавот истеъмолчи йилига ўртача 5 фойздан ўсиб келмоқда. Ўзбекистон нафақат ўз аҳолиси эҳтиёжини тўла қондирмоқда, балки кўплаб мамлакатларга ушбу маҳсулотларни экспорт ҳам қилаётти. Мамлакат экспортни янада кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга — транспорт инфратузилмаси жадал ривожланмоқда, ташқи савдо алоқалари кенгаймоқда. Ярмарка доирасида вилоятларда соҳа ривожини борасида амалга оширилаётган ислохотлар қўлами билан яқиндан танишмоқдамиз. Ўзбекистонда мева-сабзавотларнинг аксарият қисми фермер ҳўжаликларида етиштирилиши ҳам эътиборга лойиқ. Бу тез ўзгариб турадиган бозор талабига мослашиш имконини беради.

ЎЗА мухбирлари
Нодира МАНЗУРОВА,
Сайёра ШОЕВА,
Мухаммад ҚАРШИБОВ
ёзиб олди.



Хамдамбек
РАСУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Имконият ва масъулият

✓ Маълумки, кейинги йилларда Сурхондарё вилояти ҳам улкан ўзгариш ва янгилашлар масканига айланди. Халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашдек эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат кишлоқ ҳўжалигида, балки саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам ўз аксини топмоқда. Воҳода замонавий илғор технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ишга туширилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи чорагида Сурхондарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 8,4, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 7,6 фойзини ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиши натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 57,4 фойзга етди. Хусусий секторда қулай ишбилармонлик муҳити шаклланди. Бунинг натижаси ўлароқ, шу йилнинг биринчи чорагида вилоятда беш юзга яқин кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Улар юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг

бугунги босқичида барча соҳа ва тизимларда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиб, истиқбол берган имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар. Бу борада амалга оширилиши режалаштирилётган ишлар ҳам эътиборга молик. Хусусан, воҳода мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига 241 та янги лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Термиз туманидаги "Жануб кўши" масъулияти чекланган жамиятида 4,2 миллиард сўмлик инвестициялар ҳисобига йилига 1,2 минг тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш орқали қуруқ сут, пишлок, бринза

Муносабат

ва йогурт ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётган бўлса, "Gold Dried Fruits" корхонасида уч миллион долларлик инвестициялар ҳисобига 30 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш ва замонавий омборхона лойиҳаси ишга туширилади.

Юртбошимиз Сурхондарёга ташрифи давомида тадбиркор ва фермерлар билан учрашиб, уларнинг фаолиятига юқори баҳо берди ва келгусидаги долзарб вазифаларга тўхталди. Жумладан, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари парваришида замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, истиқболли навларни экиб, ҳосилдорликни янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани, дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кучайиб бораётган бир пайтда мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича белгиланган вазифалар биз депутатларга ҳам катта масъулият юклайди.

Зиммамиздаги ушбу масъулиятни теран ҳис этган ҳолда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манfaatларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалиги ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтиришга катта аҳамият беришимиз лозим. Зеро, O'zLiDeP ҳам тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш учун ташкилий, ҳуқуқий шароит ва кафолатлар яратилиши, мазкур қатлам фаолиятининг ҳар томонлама рағбатлантирилиши, ҳўжалик юритувчи субъектларининг иқтисодий мустақил бўлиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги мавжуд тўсиқларнинг бартараф этилиши тарафдоридир.

ЖАРАЁН

Муҳокама қизгин руҳда ўтди

« Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Асосийси, қонун қабул қилинган тақдирда, уни амалга ошириш учун давлат бюджетидан қўшимча сарф-харажат ва давлат бошқаруви органлари тузилмасига ўзгаришлар киритиш талаб этилмайди.

Фракция аъзолари кун тартибидеги навбатдаги масала сифатида "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Муҳокамалар чоғида таъкидланганидек, сўнги йилларда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тайинланган суд экспертизаларининг сони сезиларли даражада ортди. Хусусан, 2014 йилда 50 мингдан ортиқ суд экспертизаси тайинланган.

Маълумки, бугунги кунда суд экспертизаси 5 йилда бир марта малака оширишни ўтайдилар. Бу эса улар томонидан бериладиган хулосаларнинг сифатига таъсир ўтказиши табиий албатта. Шу боис мазкур ҳолат доимий ўқиш, касбий ва ҳуқуқий билимларни оширишни тақозо этади.

Шунга кўра "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонунга суд экспертизасининг ҳуқуқий ва махсус билимларини ривожлантиришга, саводхонлигини оширишга, шунингдек, уларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд экспертизаси масалаларини тартибга солуви қонунчилик нормаларининг самарали ва бир хил қўлланилишига олиб келади. Бундан ташқари, суд экспертизасини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган мавжуд камчи-

ликларни бартараф этиб, суд экспертизасининг самарадорлигини оширади.

Йигилишда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Унга кўра "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши кўзда тутилмоқда.

Депутатлар, кун тартибидеги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш асосида мазкур қонун лойиҳалари О'zLiDeP нинг бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш борасидаги дастурий мақсадларида акс эттирилган устувор вазифаларига ҳамроҳ эканлигини таъкидладилар.

Йигилиш якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
"XXI asr" мухбири



Бу йиллар асрларга татийди

Бугун Ўзбекистон сиёсий барқарор, иқтисодиёти кун сайин ривожланиб бораётган мустақил мамлакат сифатида дунёга танилмоқда. Бу истиқлолнинг илк йилларида Президентимиз томонидан танланган йўл, тараққиётнинг "ўзбек модели" нақадар ҳаётий эканлигини кўрсатади.



Зафар ХАНИЙЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Бугун мамлакатимиз бўйлаб истиқлолимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали нишонлаш йўлида кенг ва катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу эса ҳар бир юрдошимиз қалбидега энг улғу, энг азиз байрамга муносиб ҳисса қўшишдек эзгу ниёт, интилиш борлигини кўрсатади.

Шу маънода Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори билан танишган ҳар бир фуқаро унда мустақиллик даврида эришган ютуқларимиз аниқ далиллар асосида эътироф этилганлигини, амалга оширилган ислохотларнинг моҳиятини ҳалқимиз, ҳалқаро ҳамжамиятга янада аниқроқ етказиш, ҳар биримизни буюк келажагимизни яратиш йўлидаги интилишлар жипслаштириб турганини англайди.

Айни пайтда О'zLiDeP депутатилик корпуси ҳам яқинлашиб келаётган кутлуг айём арафасида босиб ўтилган мураккаб ва шарафли йўлимизга ҳолисона баҳо бериш, партия электорати ўртасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларнинг самарали натижаларини тарғиб қилиш, сайловчилар билан янада фаолроқ ишлашга киришди.

Парламент куйи палатаси депутати ва О'zLiDeP вакили сифатида юртимизнинг қайси бир ҳудудига бормайлик, ҳар қадамда ҳалқимизнинг буюк яратувчанлик салоҳияти намоён бўлаётгани, мамлакатимиз ўзининг иқтисодий ва интеллектуал тараққиёт йўлидан дадил одимлаётганини кўраёلمиз.

Ватанимиз ва ҳалқимизнинг чорак асрлик тарихида қадрли, унутилмас санага айланган, янги демократик давлат ва жамият барпо этиш даврини бошлаб берган мустақиллик байрамини ёруғ юз билан кутиб олиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Бугун 25 йил давомида амалга оширилган ислохотларнинг юксак самара бераётганини кўриб, биллиб турибмиз.

Дарҳақиқат, эришган ютуқларимиз оз эмас. Ватанимиз пойтахти – Марказий Осиёнинг энг гўзал, сайёҳлар таъбири билан айтганда, минтақада ҳам тарихий, ҳам замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган Тошкент шаҳридаги ажойиб ўзгариш, ободончилик билан боғлиқ ишларни айтилаётгани, ёки қоралқоқ заминидега барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуасининг мислсиз салоҳияти хусусида сўзлайликми, ёхуд бугунги кунда мамлакатимиз учун улкан стратегик аҳамиятга эга бўлган энг йирик лойиҳа Ангрен-Поп йўналишида электрлаштирилган янги темир йўли ва 19,2 километрлик темир йўл туннелининг ишга туширилгани ҳамда "Ангрен", "Навоий", "Жиззах" махсус индустриал зоналарида юқори технологияларга асосланган янги-янги замонавий корхоналар ташкил этилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилаётгани ҳақида фахрға тўлиб, жўшиб гапирайликми?! Дунё миқёсида ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлаб олган давлатимиз, ҳалқимиз эришган муваффақиятлар кўлами йил сайин ошса ошяптики, асло камайгани йўқ. Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарорлиги, миллатлараро тотувлик, аҳолининг яшаш даражаси, турмуш

фаровонлиги ва ниҳоят, иқтисодий соҳадаги юксалиш ва тараққиёт босқичларини обдон таҳлил этиб, ҳолис хулоса чиқарадиган халқаро экспертларнинг ўтган йилги эътирофини эслайлик.

Ўзбекистонда бугунги кунда саноат тез суръатлар билан ривожланиб бораёпти, айни пайтда аҳолининг турмуш даражаси ҳам тизимли равишда ошмоқда шу қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошганлиги кузатиляпти. Мамлакатимиз иқтисодиётида саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибидега тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани албатта ўзини шу озод ва обод юртнинг фарзанди билан деган инсонни кувонтиради.

Халқимиз тақдирини асрларга татиғулик ўзгаришларга бой бўлган 25 йил ичида нафақат пойтахтимиз, балки барча вилоят ва туман марказлари, қишлоқ овулларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарганлиги, мозий ва бугун ўртасида кўприк бўлиб турган тарихий обидаларимизнинг қайтадан таъмирланганлиги, қолаверса, ягона композицияни ташкил этувчи замонавий бинолар, намунали уйлар, йўл-кўприклар қурилиши давлатимизнинг ривожланган, илғор мамлакатлар қаторига қўшилиш йўлидаги хайрли қадамлар ташлаётганлигини яна бир бор исботлайди.

Эътиборга яраша эътироф

О'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги байрами муносабати билан қатор партиявий тадбирлар ўтказилмоқда.

"Гўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо – Ўзбекистоним!" деган эзгу гоани ўзида мужассам этган ана шундай тадбирлардан бири Навоий шаҳридаги Ёшлар саройида бўлиб ўтди.

"Чорак асрлик истиқлол – асрларга тенг истиқбол" деб номланган давра суҳбатида сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўхталиб, Ўзбекистон қо-

лоқ бир аграр мамлакатдан саноати жадал суръатлар билан ривожланаётган, қонун устуворлиги таъминланган кучли демократик давлатга айланганини таъкидладилар. Истиқлол йилларида автомобилсозлик, нефть ва газ қимёси, нефтьга машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, машиий электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқи-

мачилик каби саноатнинг кўплаб тармоқларига асос солинди. Қўлга киритилган улкан муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилаётди.

Мустақиллик туҳфаси, айниқса, ҳалқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятдаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳамроҳ бўлиб яшаш тамойиллари тобора мустақамланиб бораётганида тўла намоён бўлади. Зеро, ҳозирги пайтда ён-атрофимизда юз бераётган хавф-хатарлар, диний экстремизм, терроризм ва радикализм сингари иллатлар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадри нақадар баланд эканлигини, уни кўз қорачигидек асраш лозимлигини кўрсатади.

Сайловчи ишончини оқлаш лозим

Таъкидлаш жоизки, юзма-юз мулоқотларда куйи палата депутатларининг ўз сайлов округларидаги фаолиятини янада яхшилаш борасида олиб бораётган ишлари, парламент куйи палатасида муҳокама қилинаётган маззулар Президентимизнинг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти, "Гўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу гоани аҳоли, айниқса, ёшлар онига чуқур сингдириш зарурлиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самаралари бош мавзуга айланди.

Самимий ва қизиқарли руҳда ўтган учрашувларда, шунингдек, тадбиркор ва фермерларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектлари фаолиятини кўллаб-қувватлашга қаратилган доимий эътибор бу борада эришилаётган юксак ютуқ ва марраларнинг муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

– Минг-минглаб сайловчилар ишончини қозониш, улар билан ҳамфикр бўлиш осон эмас, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Эшназаров. – Бунинг учун энг аввало, улар билан доимий равишда алоқада бўлиб туриш талаб этилади. Уларни ўйлантираётган муаммоларини синчковлик билан ўрганиш ва уларга ечим излаш керак бўлади. Сайлов округларидаги навбатдаги учрашувлар айни шу масалаларга оидинлик киритди. Шу билан бирга, сайлов округидаги мазкур фаолиятимиз бизга қабул қилинган қонунлар қандай ишляётгани, ҳўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга муҳтож экани, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш буйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш имконини берди. Қисқа қилиб айтганда, бу галги учрашувлар сайловчиларнинг сиёсий савияси юксалганини, эндиликда уларни қуруқ ваъдаларга ишонтириб бўлмаслигини яна бир бор кўрсатди. Зеро, улар қонунлар ижросидан тортиб, мамлакатимизда олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнига ҳам ўз муносабатларини билдиришмоқда. Бу эса зиммамиздаги масъулятни янада оширади ва бизни тинимсиз изланишга ундайди.

Дилоромхон ҚОСИМОВА

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан «Гўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида тадбиркор ва ишбилармон аёлларнинг бизнес-форуми ташкил этилди.

Аёл тадбиркор бўлса, оила фаровон

Партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Ақромова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Д.Файзуева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муҳим дастурий ҳужжатлар бўлмоқда.

Мазкур форум кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида катта ютуқларга эришган ишбилармон хотин-қизлар тажрибасини аммаллаштириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, мамлакат иқтисодиёти ривожини ҳамда юрт фаровонлигига қўшаётган ҳиссасини муносиб рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир иштирокчилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, яратилган имтиёз ва преференциялар, улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари, банк кредит сисемати, гаров ҳужжатларини расмийлаштириш каби мавзуларда ўзаро фикр ва тажриба алмашди. Форум доирасида "Ишбилармон аёл – 2016" кўриқ танловининг шаҳар босқичи ҳам бўлиб ўтди. Унда туман босқичларидан саралаб олинган ташаббуслор, тадбиркор аёллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари яратиш, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш, партия тадбирларида фаол иштирок этиш каби талаблар буйича билим ва маҳоратини намоийиш этди. Танлов ғолиблари ҳамда партия "Аёллар қаноти" томонидан ўтказиб келинаётган "Соғлом оила – мустақам оила" ва "Оилавий тадбиркорликдан – мустақам оиллага" лойиҳаларининг фаол тарғиботчиларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

А.КНЕСОВА,
ЎЗА мухбири

– Истиқлол шарофати билан бой тарихимизни чуқур тадқиқ этиш, аждодларимизнинг турли йилларда қатағонга учраган табарруқ номларини тиклаш, уларнинг дунё цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш, улар билан ҳақли равишда фахрланиш имкониятига эга бўлдик, – дейди вилоят тарихий ўлкашунослик музейи директори, халқ депутатлари Кармана туман Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Рамазон Эгамов. – Мозий қаърига чуқурроқ кириб борар экансиз, халқимизнинг ўтмиши, бой миллий ва маданий қадриятлари, маънавиятининг теран илдизларига шунчалик кўп дуч келасиз. Юртбошимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмағимиз!" деган даъвати нақадар асосли эканлигига яна бир қарра амин бўласиз.

О'zLiDeP фаоли, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий минтақавий филиали етакчи мутахассиси Жонибек Шухратов ўз ҳаёт йўлига бағишланган "Мустақиллик mening тақдиримда – эришилган ютуқ ва истиқболдаги режалар" номли маърузасида куйидагиларни қайд этди:

– Ёшим 30 да, институти тугатиб, ҳозирда ўзим қизикқан соҳада меҳнат қилаялман. Фаолиятим давомида юртимиз ободлиги, мустақиллик берган неъматлар сингари мавзулардаги тадбирларда фаол қатнашиб, радио ва телевидениеда чиқишлар қилаялман. Кўпгина тенгдошларим қатори камтарона меҳнатларим эътироф этилиб, ташаббуслор ёшлар қаторида менга ҳам "Камолот" ёшлар тураргоҳидан алоҳида уй ажратилди. Бундан қалбим гурурга тўлади, мен каби ёшларга ўз иқтидор ва салоҳиятини кўрсатиш имконини яратётган юрдада яшаш, иқод қилаётганидан фахрланаман.

Давра суҳбати иштирокчилари чорак аср давомида эришилган бекиёз ютуқ, забт этилган марраларни партиявий имкониятлардан фойдаланган ҳолда кенг халқ оmmasига етказиш лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Тадбир сўнгидеги "Мустақиллик йилларида Ўзбекистон" номли ҳужжатли фильм намоийиш этилди.

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" мухбири

ЛОЙИХАЛАР – ҲАЁТГА

“Ишбилармон аёл”



Қўли гул, серғайрат,

интилувчан

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг хизматлари беқиёс. O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ўтказилаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови изланувчан, гайратли опа-сингилларимизни аниқлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Жойларда танловнинг вилоят босқичлари ўтказилиб, совриндорлар аниқланди.

ФАРФОНА вилояти Миллий маданият маркази биносида тадбиркор ва фермер хотин-қизлар ўртасида ўтказилган танлов барчада катта таассурот қолдирди. Тадбирда ҳунармандчиликда ўз йўлини топиб олган соҳа вакиллари, пахта ва галла етиштиришда давлат шартномасини ортиги билан бажарган фермерлар, ёш бўлса-да, катта-катта хусусий корхоналарни бошқараётган дилбар қизлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Баҳс-мунозаралар билан ўтган танлов якунларига кўра, биринчи ўрин кўчонлик “Интеллектуал магистр” МЧЖ раҳбари Ирода Бахриддинова, иккинчи ўрин риштонлик “Рошидон Мега инвест” оилавий корхонаси раҳбари Барно Фахриддинова, учинчи ўрин олтиариқлик “Жозиба” хусусий корхонаси раҳбари Саида Ҳожиқамоловага насиб этди.

Тадбиркорлик соҳасига қўл урганмида бувимнинг “Ҳалоллик – барака манбаи” деган сўзларини ўзимга шиор қилиб олгандим, – дейди ғолиблардан бири Барно Фахриддинова. – Фақат пешона тери эвазига топилган ризқ-рўзгина хондонга барака келтиради. Асосий фаолиятимиз 20 турдаги трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлиб, 45 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган.

НАМАНГАН вилоятида кўтаринки руҳ ва байрамона кайфиятда ўтказилган тадбирда нафақат мурожаат эгалари аниқланди, балки тадбиркор аёлларимиз бир-бири билан тажриба алмашишди.

Сўзга чиққан ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя этувчи қонун ва фармонлар, аёлларга яратилган шарт-шароитлар хусусида сўз юритишди.

– Иштиқолдан кейинги даврда аёлларнинг ҳар жабҳада фаоллашгани амалда кўринапти, – дейди “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантираётган фермер аёл” йўналишида ғолибликни қўлга киритган Янгйўл туманилик Асила Боймирзаева. – Хусусан, тадбиркорлик соҳасида ҳам. Қатъий ишонч билан иш бошлаб, турмушдан рози опа-сингилларимиз юртимизнинг исталган гўшасидан топилади. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофатидандир.

Ҳақамлар ҳайъати томонидан қўйилган баҳо-ларга кўра, Наманган шаҳар “Ҳилолабону” ўқув маркази раҳбари Нодира Фулмонова биринчи, Мингбулоқ туманидаги “Келажак Зиё Гулшани” ўқув маркази раҳбари Санобар Абдураҳмонова иккинчи, Норин туманилик тадбиркор Робия Бозорова учинчи ўрин соҳибалари бўлишди.

АНДИЖОН вилоятида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг худудий босқичида кўлаб истеъдод эгалари аниқланди. O'zLiDeP вилоят Кенгаши Аёлларнинг сийёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида оилавий тадбиркорлик, фермерлик билан шуғулланувчи хотин-қизлар сафи кенгайди. Буни танловнинг туман (шаҳар) босқичларида иштирок этган қатнашчилар сонининг кўплигидан ҳам билиш мумкин.

хотин-қизлар мамлакатимиз порлоқ истиқболни яратиш йўлида фидойилик кўрсатишмоқда

Хатирчи ва Нурота туманидаги миллий ва замонавий каштачилик йўналишида фаолият олиб бораётган Хулқар Муродова ва Дилшода Ҳақимовага, “Энг яхши тадбиркор аёл” Томди туманилик Рая Умрзоқовага, “Муруватли ишбилармон аёл” Конимех туманилик Гулмира Алимбаевага насиб этди.

– Юртимиздаги ишбилармонлик муҳити ва хотин-қизларга яратилаётган шарт-шароитлар мени руҳлантирди, шу босидан бугун ёш тадбиркор сифатида фаолият юритаёман, – дейди ғолиблардан бири Нилуфар Умарова. – Партия томонидан ташкил этилган тадбирлар менинг ҳуқуқий билимларимни оширишга ҳам кўмак берди. Бугун ғолиблар сафидан жой олиб, ўзимга бўлган ишончим янада ортди.

САМАРҚАНД вилоятида бўлиб ўтган танловнинг вилоят босқичи тадбиркор ва фермер аёллар учун ўзига хос синон вазифини ўтади. Хотин-қизларимиз бугунги ўзгарош ва янгилашни жараёнида фаол иштирок этиш баробарида, интеллектуал салоҳияти, профессионал малакаси ва маҳорати билан кўпчилиكنинг эътиборини тортмоқда.

Яқини натижаларга кўра Пастдарғом туманидаги “Бека Чарос” корхонаси раҳбари Гулбека Қўчқорова биринчи, Нарпай туманида фаолият юритаётган “Ҳамида Юсупова” фермер хўжалиги раҳбари Ҳамида Юсупова иккинчи, Жомбой туманилик ҳунарманд Лола Бултакова учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

– Мустақиллик нафақат мен, балки бутун халқимиз учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очгани айни ҳақиқатдир. Бунинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди, – дейди “Бека Чарос” корхонаси раҳбари. – 2008 йилда “Микрокредитбанк”дан 2 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик фирмаси очиб, икки нафар ишчи билан иш бошлаганимда соҳага хос кийинчиликларга ҳам дуч келгандим. Мана, ҳаммаси орда қолди. Бугунги кунда жамоамизда 40 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш билан банд. Астойдил қилган меҳнатларим бесамар кетмапти.

– Мустақиллик нафақат мен, балки бутун халқимиз учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очгани айни ҳақиқатдир. Бунинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди, – дейди “Бека Чарос” корхонаси раҳбари. – 2008 йилда “Микрокредитбанк”дан 2 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик фирмаси очиб, икки нафар ишчи билан иш бошлаганимда соҳага хос кийинчиликларга ҳам дуч келгандим. Мана, ҳаммаси орда қолди. Бугунги кунда жамоамизда 40 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш билан банд. Астойдил қилган меҳнатларим бесамар кетмапти.

– Мустақиллик нафақат мен, балки бутун халқимиз учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очгани айни ҳақиқатдир. Бунинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди, – дейди “Бека Чарос” корхонаси раҳбари. – 2008 йилда “Микрокредитбанк”дан 2 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик фирмаси очиб, икки нафар ишчи билан иш бошлаганимда соҳага хос кийинчиликларга ҳам дуч келгандим. Мана, ҳаммаси орда қолди. Бугунги кунда жамоамизда 40 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш билан банд. Астойдил қилган меҳнатларим бесамар кетмапти.

– Мустақиллик нафақат мен, балки бутун халқимиз учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очгани айни ҳақиқатдир. Бунинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди, – дейди “Бека Чарос” корхонаси раҳбари. – 2008 йилда “Микрокредитбанк”дан 2 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик фирмаси очиб, икки нафар ишчи билан иш бошлаганимда соҳага хос кийинчиликларга ҳам дуч келгандим. Мана, ҳаммаси орда қолди. Бугунги кунда жамоамизда 40 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш билан банд. Астойдил қилган меҳнатларим бесамар кетмапти.

– Мустақиллик нафақат мен, балки бутун халқимиз учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очгани айни ҳақиқатдир. Бунинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди, – дейди “Бека Чарос” корхонаси раҳбари. – 2008 йилда “Микрокредитбанк”дан 2 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик фирмаси очиб, икки нафар ишчи билан иш бошлаганимда соҳага хос кийинчиликларга ҳам дуч келгандим. Мана, ҳаммаси орда қолди. Бугунги кунда жамоамизда 40 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш билан банд. Астойдил қилган меҳнатларим бесамар кетмапти.

Вилоят мухбирлари хабарлари асосида Дилноза НОМЗОВА тайёрлади.

O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида Аёлларнинг сийёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг республика босқичини ўтказишга тайёргарлик кўриш мавзусида очик мулоқот бўлиб ўтди. Унда Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши мутасаддилари ва партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирда республика босқичи ғолибларини ҳолисона саралашда аҳамият қаратиш лозим бўлган жиҳатлар, фермер ва тадбиркорлар томонидан ташкил этиладиган кўргазмалар ва ташкилий масалалар хусусида сўз юритилди.

Дилоромхон ҚОСИМОВА

“Биз мустақил юртнинг мустақкам қанотларимиз!”

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб

“Ёш тадбиркорлар ва фермерлар форуми”

ўтказилишини эълон қилади!

Президентимизнинг “Эртанги кунимизнинг энг катта кучи, керак бўлса, замини нимага асосланади, деган саволга мен ёшларимиз, ёшларимиз ва яна бир бор ёшларимизга, деб жавоб бераман” деган сўзлари замирида ўсиб келаётган авлод вакиллари-га берилаётган катта эътибор, қатъий ишонч яққол намоён бўлади.

Бугун барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз иқтисодийнинг таянч устунларидан бўлган тадбиркорлик ва фермерлик йўналишида ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр қатлам етишиб чиқди. Бугунги кунга келиб тадбиркорлик субъектларида ёш раҳбарлар улуши 32 % дан ошиб кетди. Қишлоқ жойларида эса мавжуд фермер хўжаликларининг салмоқли қисмини ёшлар бошқараётди, улар раҳбарлигида турли хил йўналишларда маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Беvosита мамлакат иқтисодий ривожига ўз ҳиссасини қўшиш баробарида ёш тадбиркор ва фермерлар ўз тенгқурларини иш билан таъминлашда ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

“Ёш тадбиркорлар ва фермерлар форуми” – юртимизда кенг қўламли ўзгаришларни амалга ошириш йўлида мамлакатимиз иқтисодийётида етакчи кучга айланаётган ишбилармонлар билан ҳамжиҳатликда ислохотларнинг муваффақиятли бориши учун фидойилик намуналарини кўрсатадиган, бундай хайрли ишларда “Биз ҳам сиз билан бир сафдамиз!” дейишни ўз олдларига мақсад қилиб олган тадбиркор ва фермер ёшларнинг анжуманидир.

Форум доирасида мамлакатимиздаги тажрибали фермер ва тадбиркорлар, инвесторлар иштирокида махsus мастер-класслар, очик мулоқотлар, иштирокчиларнинг фотокўргазмалари ташкил этилади.

Форум бўйича батафсил маълумотларни “XXI asr” ижтимоий-сийёсий газетаси, www.uzlider.uz веб-сайти ҳамда партиянинг ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари орқали олишингиз мумкин.
Мурожаат учун тел: (0371) 255-46-36, 255-48-17, 281-49-65.

Ташаббускор ёш фермер ва тадбиркорлар! Форумда фаол иштирок этинг!

“Ёшлар қаноти”

Эзгу мақсадлар амалга ошади

Самарқанд шаҳрида “Гўзал ва бетакориримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган бош гоияни ўзига мужассам этган “Мустақилликка менинг ҳиссам талаба” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўтган давр мобайнида вилоятда 33 нафар ўқувчи ушбу стипендия эгаси бўлишди. Шунингдек, ҳозирга қадар унинг худудий босқичларида 8 мингдан ортиқ йигит-қиз иштирок этиб, уларнинг 5 мингдан ортиғи тадбиркорлик, фермерлик ва касаначилик билан шуғулланиб келмоқда.

Эътиборлиси, ўтган йили танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари доирасида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 600 нафар ўқувчиси иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 720 нафарга етди.

Тадбирда иштирокчилар нафақат сўхбат ва саволлар

орқали ахборот алмашишди, балки ўз лойиҳа ва ташаббусларини иқтисодийнинг реал секторига жорий этиш бўйича янги таклифлар ҳам олишди.

Оқдарё хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Баҳодир Раҳматов ёғоч ўймакорлик намуналари билан қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Булунғур миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежи талабаси Мўъжизахон Ҳошимованинг миллий либослари кўпчилиқда қизиқиш уйғотди ва иккинчи ўринга лойиқ топилди. Самарқанд миллий ҳунармандчилик коллежи ўқувчиси Ақобир Камоловнинг ёғоч ўймакорлиги йўналишидаги ишлари 3-ўринга муносиб қўрилди.

– Танловда биринчи марта иштирок этаяман, – дейди Мўъжизахон Ҳошимова. – Бу ҳаётимдаги дастлабки ютуқларимдан бири. Муҳими, ўзим тенги ёшларнинг интилишлари, ютуқларини кузатдим. Тадбиркорликка оид билимларим бойиди. Келажакдаги режаларимни янада аниқлаштириб олишга ҳам сабаб бўлди. Банкдан кредит олиб, туманимизда ўқув маркази ташкил этиб, ҳунаримни ёш қизларга ўргатмоқчиман.

Ўз мухбиримиз

ИЖТМОИЙ РЕКЛАМА

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

“Жамият ва мен”

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун “Жамият ва мен” танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сийёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар кўйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотиқорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмагида ўтказилади.

ТАНЛОВ ЙўНАЛИШЛАРИ:

- Ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Сийёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- Ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- Жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

МАХSУС НОМИНАЦИЯЛАР:

- “Ўз даврининг қарамони” мавзусида энг яхши мақола;
- “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола;

ТАНЛОВНИ ЎТҚАЗИШ

ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қўйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзунинг ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳар – 100129, А.Навоий кўчаси, 30 уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун тел: (0371) 244-14-28

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махsus диплом ва ноутбук билан тақдирланади. Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

Ташкилий қўмита

Бириккан куч – мустақкам куч

✓ Сурхондарё вилоятида ҳам партия қуйи бўғинлари билан маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Чунки партия дастурий гоё ва мақсадларини оммалаштиришда, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимини топишда уларнинг ҳамжиҳатликдаги фаолияти катта аҳамият касб этади.

сайловчилар ишончига сазовор бўлишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, ижобий ўзгаришларни шунда ҳам кўриш мумкинки, ташаббускор қуйи ташкилотлар электрорат манфаатларини ҳимоялаш, талай масалаларга депутатлар, мутасадди идоралар эътиборини қаратиш билан тобора кўпроқ шуғулланиптилар. Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитасининг Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларидаги партиянинг депутатлик гуруҳлари аъзоларини қуйи бўғинларга бириктириш тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларни янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган навбатдаги қадам бўлди. Вилоят туман ва шаҳар кенгашларидаги 154 нафар депутатнинг ҳар бири 5 тадан 8 тагача бошлангич бўғинларга бириктирилди. Шу билан бирга Ижроия кўмитасининг “БПТлар томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни ўрганиш ва уларни партиявий воситалар орқали

берилди. “Бириккан куч – куч, бирикмагани – пуч” деган нақл бежиз айтилмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Етакчининг сўзларига шуни қўшимча қилиш керакки, мазкур БПТ ташаббуси билан ташкил этилган турли тadbирларда депутатлар, қуйи бўғинлар етакчилари, туман ҳокимлиги масъуллари, тажрибали фермерлар ва ишбилармонлар фаол иштирок этиб, маҳаллий бошқарув органлари ишини такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш борасида пухта ўйланган, асосли таклифлар билдириштилар.

Бойсун туманида фаолият юритувчи яқка тартибдаги тadbиркор, O'zLiDeP аъзоси Замира Атақулова айрим муаммоларни ҳал этишда маслақдошлар кўмагига таянди. Гап шундаки, у жисмоний тарбия ва соғломлаштириш йўналишида фаолият юритади. Ишбилармон ўз тасарруфидаги махсус кўчма иншоотни жойлаштириш учун “Омонхона” истироҳат масканидан уч сотих ер ажратилиши борасида бирор натижага эриша олмаётганди. “Тузбозор” МФЙ ҳудудда фаолият юритаётган таянч бўғин томонидан ўрганилган ушбу масала босқичма-босқич туман кенгашидаги партиянинг депутатлик гуруҳи аъзоси Б.Маматовга олиб чиқилди. Депутат партиявий воситалар билан тadbиркорни қўллаб-қувватлади. Нихоят, бу муаммо ўз ижобий ечимини топди.

Денов туманидаги “Холчаён” ҚФЙ ҳудудда иш юритаётган қуйи бўғин аъзолари эски, қаровсиз қишлоқ врачлик пунктини қайта қуриш хусусидаги мурожаатни асосли деб топишди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Қахрамони А.Нарзуллаев мазкур масала билан атрофлича шуғулланди. Маҳалла фаоллари билан учрашди. Мутасаддилар, ишбилармонлар сўзларини тинглади. Пировардиди ҚВП ҳомийлар ёрдамида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур тумандаги “Захартепа” МФЙ ҳамда “Ҳазорбоғ тажриба хўжалиги” фермер хўжалигидаги партия таянч нуқталари Халқ депутатлари Денов туман Кенгашидаги партиянинг депутатлик гуруҳи аъзоси Саъдулла Раҳимов билан биргаликда коллеж ўқувчилари учун арзон нархдаги автобус қатновини йўлга қўйиш масаласига эътибор қаратишди. Хусусан, партиянинг вакиллари транспорт хизматлари кўрсатишга иxtисослашган “Файз” МЧЖ раҳбари билан бир неча маротаба учрашди. Уларнинг сазў-ҳаракатлари бесамар бўлмади. Орадан кўп ўтмай, касб-хўна қоллежлари йўналишида “Исузу” автобуслари қатнови йўлга қўйилди.

Умуман олганда, тизимли равишда олиб борилаётган ишлар, хусусан, партия туман ва шаҳар бўлиmlларидаги БПТлар билан ишлаш бўйича консультантларнинг фаолияти доимий тарзда назорат қилиниши, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳар ойда атрофлича таҳлил этилиб, тегишли хулосалар чиқарилиши, мақсаднинг аниқ белгиланган олиниши туфайли нафақат жойлардаги муаммолар, балки бошқа йўналишларда ҳам вилоятдаги БПТлар фаолиятида олға силжиши кузатилаёпти.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, юрtdошларимизда партияимизга бўлган ишончнинг мустаҳкамлаш, аввало, бошлангич ташкилотлар етакчилари ва депутатларга боғлиқ. Бугун Сурхондарёда партия тарафдорларининг кун сайин ортди бораётганлиги, кўпчилигининг ўз фаолиятини партияимиз билан боғлаётгани қуйи бўғинлар ва депутатларнинг ҳамкорлиги давр талаблари даражасида ташкил этилаётганидан далолат берапти.



Мустақиллик ва эгаллик ҳуқуқи

✓ Инсонда гурур, ифтихор туйғуси эришилган, эга бўлинган нарсалар негизда уйғонади. Ҳеч нарсага эга бўлмаган, на маънавий ва на моддий мулки йўқ одамда Ватан туйғуси, фахр ҳисси ҳам бўлмайди.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, тadbиркорликни янада ривожлантириш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик мамлакатимизда мулкдорлар ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омилли, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади.

O'zLiDeP Пискент туман Кенгаши фаол БПТлар билан биргаликда ўтказган “Мустақиллик – олий неъмат” номли очик мулоқотда партия фаоллари, ишбилармонлар

ана шу сингари фойдали фикрларни билдирдилар.

Таъкидлаш керакки, маслақдошларимиз Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан келиб чиққан ҳолда шу туркумдаги тadbирлардан яна бир нечасини ташкил қилишни режалаштирмоқдалар.

Д. ДАРВЕШОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилояти
Кенгаши қошидаги СТМ раҳбари

Бехзод ИСРОИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

Қайд этиш зарурки, гоёвий-сиёсий тарғибот ишларини янада кучайтириш, турли тadbирлар ва партиявий лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли ишлар ижобий натижалар берапти. Жумладан, қуйи бўғинлар электрорат манфаатларини изчил ифодалаш орқали сайловчиларнинг партияимизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга эришаёптилар.

Партия вилоят кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Алишер Рўзиевнинг айтишича, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан белгиланган вазифалар доирасида сиёсий-мафқуравий фаолиятда тизимлиликни таъминлаш, хайрихоҳларимиз ва ҳаммаслақларимиз сонини кўпайтириш, янги таянч тузилмалар барпо этиш, партиявий тadbирларнинг таъсирчанлигини таъминлашга йўналтирилган ишларга барча фаоллар, жумладан, БПТ етакчилари ҳам жалб этилаёпти. Ўтказилаётган мулоқотларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмун-моҳияти, партия Сайловолди дастурида белгиланган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш хусусида сўз юритилмоқда. Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёлларни кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратил-

кўламдор ва изчил сазў-ҳаракатлар партия нуфузини янада мустаҳкамлаш, хайрихоҳ ва тарафдорларимизни янада кўпайтириш, сафимизни янги аъзолар ҳисобига кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Таҳлилларга кўра, жорий йилда вилоятда 46 та янги қуйи бўғин тузилди. Уларнинг 26 таси тadbиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари-



да ташкил этилгани диққатга молик. Партия аъзолари эса 2000 нафарга кўпайди.

Умуман, вилоятда сафдошларимиз ҳамда БПТлар сони узлуксиз ортди бораётгани кўзга ташланмоқда. Чунончи, 2013 йилнинг иккинчи чорагида БПТлар 463 тани, партия аъзолари эса 2114 нафарни ташкил этганди. Шу йилнинг аяни даврида эса таянч тузилмалар

ҳал этиш тўғрисида”ги қарори ва тегишли йўриқномаси эса қуйи бўғинлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Бошлангич ташкилотлар фаолларининг сайловчилар, фуқаролар мурожаатларига нечоғли масъулият билан ёндашаётганликлари қуйидаги рақамларда ҳам акс этмоқда: биринчи ярим йилликдаги 88 та депутатлик сўровида 28 таси, 56 нафар мансабдор шахс ҳисоботи зшитувининг 19 таси БПТ ташаббуси билан кўтарилган масалалардир. Зеро, жойлардаги камчиликлар ва муаммолар таянч бўғинлар фаоллари томонидан муҳокама қилиниб, хулосалар белгиланган тартибда партия юқори органларига, депутатларга тақдим этилмоқда.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Олтинсой туманидаги 1189 нафар маслақдошимиз 46 та БПТ атрофида жипслашган.

– Партиявий иш самарадорлиги нафақат ўтказилган тadbирлар, балки қилинган масалалар билан ҳам ўлчанади, – дейди тумандаги “Шакарқамиш” МФЙ ҳудудда ташкил этилган БПТ етакчиси Онар Чориева. – Чунки сайловчилар партияимиздан амалий ишлар кутади, сайлов даврида берилган ваъдалар ижроси билан қизиқади. Албатта, ишончини оқлашга ҳаракат қилаёلمиз. Бошлангич ташкилотимиз томонидан муҳокама этилаётган масалалар аксариятининг ечимини топилаёпти. Масалан, яқинда бир неча тadbиркорнинг мева-сабзавотларни қайта ишлашга мўлжалланган технологиялар учун ер майдони берилиши кечиктирилаётгани тўғрисидаги мурожаатини таҳлил қилдик. Сўнгра масалани Халқ депутатлари туман Кенгашидаги O'zLiDeP вакиллари Алишер Қулмуродов ва Омон Чўтовга олиб чиқдик. Биргаликдаги интилишларимиз туфайли масала оз фурсат ичида ҳал бўлди: мулкдорларга “Оқарбулоқ” ҚФЙ ҳамда “Бибизайнаб” МФЙ ҳудудларидан жой

Бошлангич партия ташкилоти... аҳолининг турли қатламлари вакиллари, тadbиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, мулкдорлар синфи вакиллари қонуний манфаатларини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалалар бўйича юқори партия ташкилотига доимий тарзда таҳлилий материаллар ва таклифлар тақдим этиб боришни йўлга қўяди.

O'zLiDeP Уставидан

Зотан, чинакам партия ана шундай йўл тутади, яъни, омма фикрига таянади, одамлар сўзларига қулоқ солади. Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси тошпирингига биноан ҳудуддаги партия туман ва шаҳар ташкилотлари ходимлари, депутатлар жойлардаги ташкилот ва муассасаларга кириб боришапти. Бу жараёнда аҳолига партияимизнинг дастурий мақсад ва вазифалари, мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг гоёлари ўртасидаги фарқли жиҳатлар тўғрисида атрофлича тушунчалар бериляпти, партияимиз фаолиятига доир таклиф ва тавсиялар қайд этиляпти, электроратимиз вакиллари дуч келаётган муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал қилиш чора-тadbирлари амалга ошириляпти. Масалан, жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида партия маҳаллий кенгашлари ходимлари 1777 та корхона ва ташкилотда бўлдилар. Бундай

сонини 614 тага, аъзолар эса қарийб 25 мингга етди.

– Давлатимиз раҳбарининг партияимиз VII съездидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларнинг амалга татбиқ қилинишига кўмаклашиш учун бизга кучли, ҳар томонлама мукамал бошлангич ташкилотлар керак, – дейди партия ҳудудий ташкилотининг БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Зебинисо Курбонова. – Жумладан, хусусий мулк ва хусусий тadbиркорлик ривожини йўлидаги барча гов ва тўсиқларни олиб ташлаш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда касб-хўна қоллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш сингари долзарб вазифалар амалга оширилишида қуйи ташкилотлар муҳим рол ўйнаши даркор. Чунки фақат ва фақат реал ишлар, амалий натижалар билангина

Партиявий воситалар билан...

✓ Пайариқ туманидаги “Анвар Кўчқоров замини” фермер хўжалигида фаолият юритаётган бошлангич ташкилот аъзолари Чилбир қишлоғи аҳолисини уйлантираётган баъзи муаммолар ҳал этилишига “БПТ – юқори партия ташкилоти – депутат” партиявий механизми орқали кўмаклашиб, O'zLiDeP нуфузини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишапти.

Мухаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

– Ёгин-сочинли кунларда йўлларнинг носозлигидан одамлар қийналарди, – дейди Халқ депутатлари Пайариқ туман Кенгаши депутати, БПТ етакчиси, фермер хўжалиги раиси Зилола Кўчқорова. – Шу билан бирга икки кўчани ажратиб турган ариқ ҳам йўловчилар учун ноқулайлик туғдирарди. Бу масалани БПТ аъзолари билан биргаликда ўргандик. Режа ва таклифларимизни қозоғга туширдик. Кейин уларни партияимизнинг туман кенгашига тақдим этдик. Орадан кўп ўтмай, таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Унда биз ҳам фаол қатнашдик. Йўлга шағал тўкилиб, ариққа йирик диаметри қувур ётқизилди. Натижада йўл 5-6 километрга қисқарди. Ҳозир бу йўлдан автомашиналар ҳам, пиёдалар ҳам бемаъл фойдаланишапти.



БИРЛАШИБ ДАРЁ БЎЛУР...

– O'zLiDeP хайрихоҳлари, унинг гоё ва мақсадларини қўллаб-қувватловчилардан иборат турли бирлашмалар ташкил қилиниши мумкинми?

– O'zLiDeP Уставининг 10.3-бандида баён қилинганидек, партия аъзолари ва партия раҳбар органлари ташаббуси билан сиёсий куч клублари, сиёсий марказлар, шунингдек, муайян қизиқишлар ва муаммолар, касб-кор бўйича ҳам бирлашишнинг хилма-хил шакллари ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши мумкин. Улар партиянинг дастурий ҳужжатларига асосланиб, турли масалаларни муҳокама қиладилар, ўз таклифларини ишлаб чиқадилар ва уларни турли даражадаги партия ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбар органлари муҳокамасига киритадилар.

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ



Оролга меҳрни сув деб тутган эл

Пойтахтдан келган қаламқаш дўстимиз, қорақалпоқнинг уч улуг аллома шоири Кунҳўжа, Ажиниёз, Бердақ ҳазратлар билан биргаликда замонамизнинг атоқли кўйчиси Ошиқ Абз – Ибройим Юсупов лирикисининг содиқ муҳлиси устознинг эллик беш сатрдан иборат “Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам” шеърини ёддан айтгач:

– “Дўстлик” канали соҳилини бир айлантириб келмайсизми? – деди.

– Бажонидил! – дедим “Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам, Ёзда Анҳор бўйлариди юрмасам” деган қуйма мисрадан сўнг меҳмонда сўнмас завқ пайдо бўлганини сезиб. Жўшқин Жайхун бир тулпор бўлса унинг ўйноқлаган қулундай мавж уриб оқётган арна бўйига борар эканмиз, устознинг яна бир ажойиб шеъри, азим шаҳримиз Нукуснинг давлатимиз раҳбари иштирок этган табаррук тўйи, 60 йиллик тантанасида ўқиб берган бетакрор бағишловини эсладик. Шоир бу таронада шаҳарга ўтказилган қайси бир кўчат қачон барг чиқарганини билишини, уни “ёш” дейишга, кўчаларини “ер” ё “тош” дейишга тили бормаслигини, аини чоғда уни “агар доллар тўшаб кўйсалар ҳам” Париж, Лондон, Вашингтон, Москва билан алишмаслигини айтади.

– Атоқли шоир Қайсин Қулиев устозимизга аллома шоир деб таъриф бергани ростми? – сўрайди меҳмон.

– Рост, – дедим арна сатҳида эпчиллик ила академик эшак ашиш билан шугулланиб бораётган азамат йигитга ҳавас билан боқиб. – Ўша шеърда Нукусга қарата “Хар тўйингни Президент кутлаб” деган сатр бор. Шаҳарнинг 70 йиллигида ҳам Президент Ислоҳ Каримов иштирок этди. Нукус “Дўстлик” ордени, 7 нафар қорақалпоқ фарзанди, шу жумладан, икки атоқли адиб – Ибройим Юсупов ва Тўлелберген Қайипбергенов “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди. Истиқлол инсон қадрини осмон қадар юксакка кўтарди!

– Давлатимиз раҳбари бир қорақалпоқ йигитига қайиқ совға қилган эди.

– Академик эшак ашиш бўйича чемпион Абубакр Узокбоевга-да! Ҳозир ёнимиздан сузиб ўтган эпчил йигит Абубакрининг ўзи ҳам бўлиши мумкин. У 2009 йили Россия Федерациясида Жаҳон кубогини кўлга киритганди. 2011 йили Сингапур ва Жанубий Кореяда ўтган беллашуларда биринчи ўринни олди. Эркин Қутибоев, Фозилбек Ҳозирбеков, Азамат Турданов, Нодира Қозоқова, Шаҳодат Жўлибоева ва бошқа чемпионларимиз тўғрисида, бир оиладан, яъни Пиязовлар оиласидан чиққан 3 нафар “Ниҳол” мукофоти лауреати, хусусан, яқиндагина Шанхай

Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммитида қойилмақом қилиб куйлаган Женисбек ҳақида соатлаб гапиришимиз мумкин.

Бизда буламқини ёг келтиради, деган гап бор. Истиқлол биринчи навбатда Қорақалпоғистон иқтисодиётининг қаддини ростилади!

Меҳмон билан Бердақ номидаги мусиқали драма театри ва ёшлар маркази қошидаги куйловчи фавворалар атрофиди айланар эканмиз, чорак аср давомида Қорақалпоғистонда бажарилган улугвор ишлар бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтгандек бўлди. Бу ерда 2008 йилда 838 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, 2015 йилга келиб жами капитал қўйилмалар ҳажми 5,7 триллионга етди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида амалга оширилётган ишлар натижасида 2015 йилда ялли ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 16,5 фоизни ташкил этиб, 2008 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 6,9 бандга ошди.

Қорақалпоғистон мамлакат кимё саноатининг таянч тоғларидан бирига айланмоқда. Йилга 100 минг тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқараётган “Кўнгирот сода заводи” унитар корхонаси фикримизнинг ёрқин далилидир. Бугунги кунда корхонада қиймати 109,5 миллион АҚШ долларлик инвестиция киритиш ҳисобига йилга қўшимча 100 минг тонна, жами 200 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Тайёр маҳсулот ўз эҳтиёжларимизни қондиришдан ташқари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари, шу жумладан, Россия Федерацияси, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистонга экспорт қилинмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунаси бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси ҳақида алоҳида тўхталиб зарур. Халқаро ташкилотлар томонидан мазкур молиявий битим 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, дея эътироф этилиб, халқаро муқофотга сазовор бўлди. Шунингдек, умумий қиймати 4 миллиард АҚШ доллар билан ушбу лойиҳа рўёби натижасида йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобига 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ва бошқа қимматбахо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти юзга келди. Энг муҳими, мажмуада 1480 нафар маҳаллий йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Ишлаб чиқарилаётган полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлар Хитой, Россия, Туркия мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Оролбўйида энгил саноатни ислоҳ қилиш,

мавжуд корхоналарни модернизациялаш, янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худудда 2015-2019 йилларда жами қиймати 79,6 миллион АҚШ доллари миқдориди 8 та йирик тўқимачилик корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш марралари белгилаб олинган. Ушбу лойиҳалар натижасида худудда етиштирилган пахта толасини қайта ишлаш даражаси 53,5 фоизга етиб, 2015 йилга нисбатан 4 маротабага ошди.

Қораўзақ тумани худудиди “Жамансой” қониди хитойлик ҳамкорлар билан қиймати 19,8 миллион АҚШ доллари миқдориди лойиҳа асосида цемент ишлаб чиқариш корхонаси бунёд этилмоқда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида ишга туширилиши кўзда тутилган ушбу корхонада йилга 200 минг тонна цемент ишлаб чиқариш ҳамда 300 га яқин ёшни иш билан таъминлаш имконияти яратилмоқда.

Худуд саноат корхоналарини юқори технологияларга асосланган асбоб-ускуналар билан таъминлаш, уларда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Зеро, 2016-2018 йиллар давомида саноат соҳасида жами 671 та лойиҳани рўёбга чиқариш ва 14 мингга яқин янги иш ўринларини яратиш режалаштирилётгани шундан далолатдир. Жумладан, биргина 2016 йилда қиймати 190,3 миллиард сўмлик 287 та лойиҳа амалга оширилди.

Минтақамизда мева-сабзавот ва узум, гўшт, сут маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш учун улкан хом-ашё захира базаси мавжуд. Шу мақсадда Нукус туманида мева-сабзавотчилик, Нукус шаҳри, Қўнгирот, Қораўзақ туманларида гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланишга ўтилгани боис Нукус шаҳрида қиймати 10 миллиард сўмлик, йилга 27 миллион кв.дм терини қайта ишловчи “Ориент технолоджи”, Амударё туманида 10 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарувчи “Бойовул пойабзали” корхоналари ишга туширилди. 2015 йилда шу соҳада умумий қиймати 409,5 минг АҚШ доллари миқдориди 8 лойиҳа амалга оширилди. 2000 йилда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар сони 24 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига уларнинг сони 69 тага етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори, асосий вазифаси хориж бозорларига мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини етказиш ҳисобланган “Ўзагроэкспорт” иختисослаштирилган ташқи савдо компаниясининг ташкил этилиши аграр шўбада янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Кейинги йилларда 214 та мелиоратив объектда 108 миллиард сўм маблағ ҳисобига 500 ки-

Эркин Қутибоев, Фозилбек Ҳозирбеков, Азамат Турданов, Нодира Қозоқова, Шаҳодат Жўлибоева ва бошқа чемпионларимиз тўғрисида, бир оиладан, яъни Пиязовлар оиласидан чиққан 3 нафар “Ниҳол” мукофоти лауреати, хусусан, яқиндагина Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммитида қойилмақом қилиб куйлаган Женисбек ҳақида соатлаб гапиришимиз мумкин.

лометр коллектор-дренаж тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинди, 12 минг километр таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди. Натижада жами 515 минг 135 гектар сугориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Жаҳон банки иштирокида қиймати 74,6 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағ асосида жами узунлиги 2,1 минг километрдан ортиқ коллекторда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада қишлоқнинг жамоли ва қамоли таниб бўлмас даражада ўзгарди. 2009-2015 йилларда Қорақалпоғистоннинг 59 та қишлоқ мавзесида намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга 2982 та замонавий ўй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Соғлом она ва бола йили”да бундай шинам уйларнинг яна 668 таси қурилади.

Болалар спортини ривожлантириш жағғармаси томонидан 2008-2015 йиллар мобайнида 9 та спорт мажмуаси, мактаблар қошида 62 та янги спорт зали, 5 та спорт майдони қурилди, 4 та спорт иншооти ва 3 та сузиш ҳавзаси бунёд этилди ва реконструкция қилинди. Кейинги етти йилда 33 миллиард сўм маблағ ҳисобига болалар ва ўсмирлар учун 2850 ўринли 19 та мусиқа мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аини кунда бу худудда 8 та олий таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда.

Истиқлол Қорақалпоғистон тиббиётида туб бурилишлар йўлини очиб берди. Кейинги 7 йилда 71 та соғлиқни сақлаш муассасасида қарий 125 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Барча туман тиббиёт бирлашмалари капитал реконструкция қилиниб, уларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати оширилди. Қорақалпоғистон Республикаси Онкология диспансери ва Сил касалликлари шифохонаси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик масканлари сони 188 тага етказилди. “Саломатлик-3” лойиҳаси асосида туман тиббиёт бирлашмаларининг моддий техник базасини яхшилаш мақсадида 5,3 миллиард сўмлик замонавий асбоб-ускуналар олинди. Жумладан, 11 туман тиббиёт бирлашмалари замонавий рентген аппаратларини, Қорақалпоғистон Республикаси қўп тармоқли тиббиёт маркази компьютер томографи билан таъминланди. Келгуси беш йилда 56 та соғлиқни сақлаш муассасасида реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини Нукус шаҳри мисолида яққол ҳис қилиш мумкин, – дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Нукус шаҳар Кенгаши раиси М.Шимбергенов. – Шаҳарда кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш олиб борилмоқда. “Дўстлик” каналининг шаҳар ичидан ўтувчи 2,5 километрлик иккала соҳили бетон билан қопланди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида канал бўйида хиёбонлар, очиқ автодор, “Болалар дунёси” маскани, замонавий павильонлар барпо этилди. Жами 4,3 миллиард сўмлик лойиҳа асосида замонавий “Ёшлар маркази” реконструкция қилинди. Шаҳарда кейинги икки йилда 34 та кўп қаватли замонавий уйлар қурилди. Шунингдек, Нукус шаҳрини дунёга танитаётган И.В.Савицкий номидаги қорақалпоқ давлат санъат музейининг иккинчи навбати қуриб битказилди. Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳри марказидаги 25 та кўча намунали қиёфага келтирилмоқда. Энг муҳими, истиқлол инсоннинг ўз юртига бўлган меҳру муҳаббатини оширмоқда!

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
“XXI asr” муҳбири

БАНК ТИЗИМИ:

Юксалиш босқичлари

Ашур КОДИРОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

✓ Мустақил тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай мамлакатнинг эртанги кунини пул-кредит сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Дунё тажрибаси ҳам шундан далолат беради. Айтиш мумкинки, кейинги йилларда Ўзбекистонда халқаро андозаларга мос мустақам банк тизими шакллантирилди. 8000 дан ортиқ филиалга эга бўлган 26 та тижорат банки жаҳондаги энг нуфузли 3 та – “Moody’s”, “Standard & Poor’s” ва “Fitch Ratings” рейтинг компанияларининг ижобий ҳулосасини олиб, “Барқарор” дея баҳоланаётгани бежиз эмас.

Бундай юксак эътирофнинг қадру қимматини тушуноқ ва тўла ҳис этмоқ учун яқин ўтмишга бирров назар ташлайлик. Ишлаб чиқарувчилар жўнатилган маҳсулот учун ойлаб маблағ келиб тушмаслиги ва ўтказилган сармоялар товар билан қопланмаслигидан қийналишар, ягона марказлашган назорат ўрнатилгани сабабли филиаллараро ҳисоб-китоблар тизимида чалқашликлар юзга келар эди. Натижада йиллик ҳисоботларни январда эмас, балки

апрель-май ойларида топшириш ҳолатлари ҳам бўлган.

Ҳа, мустақил давр иқтисодиёти қанчалик боши берк кўчага кириб қолганини ўша кунлар сабоги беихтир ёдга солади. Эътибор беринг, истиқлолгача давлат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Қурилиш банки ва давлат меҳнат жамғарма кассалари мавжуд бўлса-да, жамият ижтимоий ҳаётида уларнинг роли ва мавқеи яққол сезилмас эди. Қурилиш банки шохобчалари

вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида фаолият юритади, республикамиз туманларида эса асосан давлат банки ва давлат меҳнат жамғарма кассалари иш олиб борар эди. Меҳнат жамғарма кассалари асосан аҳоли омонат жамғармалари ва коммунал тўловларини қабул қилиш билан шугулланар, бундай корхонани мустақил банк ташкилоти сифатида баҳолаб бўлмас эди. Ҳўжасизлик ва бошбошдоқлик эса қандай оқибатларга олиб келганлиги маълум. Мулкчилик шакллари бўлмагач, хусусий банклар ҳақида гапиришининг ўзи ортиқча. Бошқача айтганда, “режали иқтисодиёт”да фойда олиш учун ишланмас, балки режалаштириш орқали “юқори”дан туриб “паст”ни бошқаришга ҳаракат қилинар эди. Банк мутахассисларини маҳаллий ёшлар ҳисобига кенгайтириш, уларнинг билим ва малакасини бойитиш масаласига ҳам узоқ йиллар давомида панжа орасидан қараб келинди. Яъни истиқлолгача бутун бошли республикада нари борса 200-210 та банк филиали бўлиб, улар ҳам аҳоли талабини тўла қондира олмас, пул-кредит, валюта, фоиз ва инвестиция масалаларида оқсоқлик сезилар, товар ёки хизматларнинг ўз вақтида маблағ билан қопланмаслиги корхона-ташкilotларда молиявий қийинчиликларни келтириб

чиқарар эди. Бундай қоқоқ иш усули банк тизимини бутунлай қайта кўриб чиқиш ва тубдан ислоҳ қилишни тақозо этар эди. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида банкларга иқтисодиётнинг “қон томир”лари сифатида қаралиб, соҳада туб ислохотлар амалга оширилди. “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун”, деган ширин ҳам айнан ўша йиллари илгари сурилган эди. Олиб борилган изланишлар самараси ўлароқ ўтган қисқа давр орасида юртимизда дунё андозаларига мос, бутунлай янги, замонавий ва икки погонали банк тизими барпо этилди.

1991 йилнинг 15 февралда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун асосида республика давлат банкига Марказий банк мақоми берилди, унинг зиммасига пул-кредит муносабатларини тартибга солиш ва муомалага банкнотлар чиқариш функцияси юклатилди. 1994 йил 1 июлдан миллий валютаимиз – сўмнинг муомалага киритилиши иқтисодий соҳада бутунлай янги даврни бошлаб берди. Кейинчалик янги тахрирдиги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ва “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиндики, улар асосида икки погонали банк

тизими шакллантирилди ва ҳар бирининг функционал мақомлари белгилаб қўйилди. Тизимда олиб борилган туб ислохотлар тўғрисида банкларнинг нафақат ички, балки ташқи мавқеи ҳам мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимиздаги бир қатор банклар бугун кўпгина хорижий банклар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган. Миллий валютаимиз – сўмнинг муомалага киритилиши билан субъектлар ўртасида электрон тўлов тизими жорий этилиб, белгиленган муддат 4-5 йил ичиди рекорд натижа, яъни дақиқаларга қисқарди. Бироқ банкларнинг мавжуд молиявий ҳолати электрон тўлов тизимини жорий этишга имкон бермас эди. Шунинг учун Вазирилар Маҳкамасининг “Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит алоқаларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида банк тизими 1994-1997 йилларда тўланадиган солиқларнинг бир қатор турларидан озод этилди. Ушбу тадбир орқали тушган маблағлар айнан пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш учун сарфланиб, 1996 йилда мавжуд 600 тадан ортиқ банк филиаллари ягона электрон тўлов тизимига уланди. Натижада ҳар қандай тўлов бир неча дақиқа ичиди амалга оширилаётган бўлди, ҳужжатларни қалбақлаштириш ёки уларни кечиктириб етказиш ҳолатларига барҳам берилди. Энг муҳими, пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши бир неча баравар тезлашди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда банк сиёсати босқичма-босқич ривожланмоқда. Унинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – банк тизимида банкротлик ҳолатларига бутунлай тизими шакллантирилди ва ҳар бирининг функционал мақомлари белгилаб қўйилди. Тизимда олиб борилган туб ислохотлар тўғрисида банкларнинг нафақат ички, балки ташқи мавқеи ҳам мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимиздаги бир қатор банклар бугун кўпгина хорижий банклар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган. Миллий валютаимиз – сўмнинг муомалага киритилиши билан субъектлар ўртасида электрон тўлов тизими жорий этилиб, белгиленган муддат 4-5 йил ичиди рекорд натижа, яъни дақиқаларга қисқарди. Бироқ банкларнинг мавжуд молиявий ҳолати электрон тўлов тизимини жорий этишга имкон бермас эди. Шунинг учун Вазирилар Маҳкамасининг “Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит алоқаларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида банк тизими 1994-1997 йилларда тўланадиган солиқларнинг бир қатор турларидан озод этилди. Ушбу тадбир орқали тушган маблағлар айнан пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш учун сарфланиб, 1996 йилда мавжуд 600 тадан ортиқ банк филиаллари ягона электрон тўлов тизимига уланди. Натижада ҳар қандай тўлов бир неча дақиқа ичиди амалга оширилаётган бўлди, ҳужжатларни қалбақлаштириш ёки уларни кечиктириб етказиш ҳолатларига барҳам берилди. Энг муҳими, пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши бир неча баравар тезлашди.

барҳам берилганидир. Сўнгги 20 йил мобайнида тижорат банкларининг қўшилиб бориши кузатилаётган бўлса-да, улар умуман банкрот, дея эълон қилинмади.

Фақат шугина эмас. Тижорат банкларининг ресурс маблағлари ва уларнинг капиталлашув даражаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, охириги беш йил мобайнида капиталлашув даражаси 2,4 бараварга, депозитлар суммаси эса 3,6 бараварга кўпайди. Молиявий замнинг мустаҳкамлиги кредит бериш амалиётини кенгайтирмоқда. Сўнгги беш йил давомида иқтисодиётга йўналтирилган узоқ муддатли кредит маблағлари 3,8, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун ажратилган кредитлар уч бараварга ўсди. Халқаро валюта фонди ўз ҳулосаларида мамлакатимиз банк муассасалари фаолиятига баҳо берад экан, Ўзбекистон катта ёшли аҳолига тўғри келадиган банклар сони жиҳатидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида етакчи ўринда эканлиги, 2000 нафар катта ёшли аҳолига битта банк муассасаси тўғри келишини қайд этиб ўтди. Нуфузли ташкилотнинг ушбу эътирофи тўла асос бор. Жаҳон молиявий инқирози давом этаётган кўплаб мамлакатлар иқтисодий турғунлик даврини бошдан кечириётган бир даврда Ўзбекистон банк тизими изчил капиталлашув ва юқори ликвидлик даражасини сақлаб қолиб, барқарор ривожланмоқда. Бу ҳам бўлса, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона ички сиёсатнинг амалдаги натижасидир.

НИГОХ

Долзарб мавзу

Бугунни эмас, эртанги ризқ-рўзни ўйлайлик

✓ Илгари ҳар йили далага бир бор экин экилар, ҳосилдорлик ҳам шунга яраша бўларди. Янги даврнинг янги турмуши деҳқонларнинг ҳам кўзини очди. Энди бизда ҳар йили аксар майдонларга икки бор экин экиб, мўл ҳосил олиш одатий ҳолга айланди. Аммо худди шу масалада бир муаммо ҳам келиб чиқдики, у ҳар йили такрор-такрор ўртага қўйилади, аммо ечимини топиш осон кечмаяпти.



Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

Гал шундаки, галла ўриб олинган, тақрири экин экишга шайланган деҳқон кўпинча аввал ерни "тозалаш", яъни тўкилиб-сочилган сомон ва ўрилмай қолиб кетган бугдойюя – ангазга ўт қўйиш пайидан бўлади. Ҳар қанча тақия ва жаримага қарамай, майдоннинг у ер-бу ерига киши билмас олов ташлайди. Узи иложини топмаса, шу атрофда юрган, биров қувиб ета олмайдиган ўсимир болаларга пул бериб бўлса ҳам, сомонни ёқтириб юборди. Назоратчилар кундузи пойласа, тунда ёқди. Далаларнинг тутунни кўкка чиқади, осмонлар қорайиб кетади. Кучли аланга бериб ёнаётган улкан гулхан катта далаларни қамраб олади. Бунча кенг майдондаги оловни ўчиришнинг эса иложи йўқ – сомон дегани повиллаб ёнади. Ҳозир Ўзбекистонда бугдой кўп экилаётгани сабабли ангазга ни ёқиш маҳаллий эмас, умумижамоий муаммога айланди. Айниқса, шу кунлари Тошкент вилояти бўйлаб йўл юрган киши ҳар бир қақиримда олис ва яқин ўнлаб фермерлик хўжалиқларининг далалари олов ичида қолганини кўради.

Экология мутахассисларининг айтишича, сомонга ўт қўйиш кочи зарар: кислород бехуда ёқдирилди, улкан олов тупроқнинг устки қисмини қўйдириб, уни ҳосил бермас сополга айлантириб юборди. Ҳар бир гектар ерда ўртача 400 миллион антомофаг жонивор қирқилгани бос, шунча беминнат "ҳосилот"дан айриламиз, қуйиндилардан чиққан канцероген моддалар ёшларни бепуштлиққа олиб келади, азон туйнуги кенгайди. Дала оралаб ўтган электр симлари катта ҳарорат тўфайли қузиб ёнади, сим-ёгочлар аланга олади, экинзор четдаги тут ва бошқа дарактлар, улардаги кўш илгаригача олов домда қолади ва ҳоказо...

"Сомон чорвачилик учун каттагина озуқа базаси бўлиб турганида уни кўр-кўрона ёқиб юборса, энг катта гуноҳи азим – исрофгарчиликка йўл қўйган бўламиз, – деб ёзади Ер ости бойлиқларини муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни жойлаштириш махсус инспекцияси бошлиғи А.Абдухаликов. – Бир гектар майдонда 2 тонна сомон ёниб кетадиган бўлса, ундан йўқотиладиган иқтисодий самарадорлик камиди 200 минг сўмни ташкил этади. Бир той сомон (10 кг) бўлса бозорларда ҳозир 2-2,5 минг сўмга сотилмоқда" (Сомон ёқиш – ер офати // "Экология хабарномаси", 2008, № 5-6, 96-бет).

Мутахассиснинг бу фикрига қўшилган ҳолда, айтиш керакки, бояги ҳисоб-китобга кўра, ҳар гектар ердаги 2 тонна сомонни ёқмасдан, тойлайдиган бўлса, 200 той сомон чиқади ва унинг ҳар биттаси 2-2,5 минг сўмдан сотилса, 400-500 минг сўмни тежаб қолиш мумкин бўлиб чиқади. Минг гектардан – 400-500 миллион сўм. Ўн минг гектардан, юз минг гектардан-чи?..

Ажабо, деҳқон бу ишнинг экологик жиҳатдан зарарли эканини, гайриқонуний ва одамийлик жиҳатидан увол эканини билмайдими? Билади, аммо ёқиб ташлай беради. Чунки... шуниси қулай. Ажабо, бунга уни нима мажбур қилади ўзи? Шу ҳақда бир ўйлаб кўрмаймизми?

Газета-журналлар, радио ва телевидение ҳар йили ёз келди дегунча сомон ёқишнинг олдини олиш учун бонг уришга тушади. Ангазга ўт қўйган деҳқон худбинликда, экологияни бузувчиликда айбланади. Аммо бу гапларнинг ҳам, уларга нисбатан тегишли органлар қўйлаётган чоралар солинаётган жарималарнинг ҳам... нафи унча сезилмаяпти. Ташвиқот, лўписа, тақиқлаш-у жинойи жазо турлари кўпайгани билан сомон ёқишга тўлиқ барҳам бериб бўлмаяпти. Нимага десангиз, деҳқон даладаги сомонни... кўнгилушликка эмас, мажбур бўлганидан – тақрири экинни экиб, ундан ҳам ҳосил олишни кўзлагани учун ёқди. Бу масаланинг илдизини ўрганмай туриб, "кенг жамоатчилик юзига оёқ тираш, қайсарлик" деб қоралашдан осони йўқ. Ўзбек галлакори, деҳқони Африканинг аллақаврларида ўрмонга, саванналарга ўт қўйиб юборадиган қабила аҳли каби жохил эмас, у, керак бўлса, сомон ёқишнинг зарарини қораловчилардан кўра ҳам яхшироқ билади, англайди. Ҳўш, унда нега?..

Гал мана шунда. Биласиз, иккинчи экин ҳам агротехник тадбирларнинг барчасини – чопиқ, ўғитлаш ва ҳоказоларни талаб қилади. Эндигина униб чиқиб, атрофга томир ёза бошлаган ўсимликни чопиқдан чиқармоқчи бўлсангиз, культивация қилсангиз ёки трактор ёрдамида ўғитлаб, жўяк олсангиз, ер ҳайдалганида тупроқ остига тушган, аммо ҳали-вери чиримай, боп-бояғидай турган сомон омоч тишига илашади-да, янги экиннинг илдизини кўпориб ташлайди. Ниҳол қурийдим. Деҳқон меҳнатига, маблағига қуяди. Шунинг учун ҳам "бугдой ўриб сотилмоқда" (Сомон ёқиш – ер офати // "Экология хабарномаси", 2008, № 5-6, 96-бет).

шилиш мумкин, бироқ кузги экин униб чиққач, агротехник ишлов асосида сомон халақит бермайдими, мана шунини ўйлаб кўриш керак.

Авалло бир савол: нега ўримдан кейин далаларимизда бунча кўп сомон қолиб кетади? Ё, сомон бизга унча керак эмасми? Унда, нега салмоғи бир бог пичанча келадиган, номига прессланган бир той сомоннинг нархи бозорда қарийб 2,5-3 минг сўм (бу ҳозирча, эртага 5-6 минг сўмга чиқиб кетиши ҳам мумкин!) га чиқиб кетди?

Ҳозир мамлакатимизда бугдой сомони – чорва молларининг энг асосий емишига айланиб қолди. Ем-хашак ва озуқа турларининг бошқа ҳеч бири етарли даражада эмас. Тўйимли пичан, лавлаг, силос сингари озуқалар чорва моллари учун кам миқдорда тайёрланаётган. Сомон эса, рациондагидан бир неча бора кўп. Аммо, қўриб турибсиз, хатто ана ўша керагидан ортироқ деб дарж этилган сомон ҳам етарли эмас. Қишлоқда яшайдиган, мол-ҳолли одамлар учун ёз чилласида сомон гамлаш асосий ташвишга айланиб қолди.

Таассуфки, кўплар бугдой ўрими деганда асосан ҳосилнинг донига эътибор қаратади-да, сомонни йиғиштириб олишга деярли аҳамият бермайди. Комбайнлар далага кириб келгач, галла ўриш агрегатларини ердан қарийб бир-бир ярим қарич баланд кўтарган ҳолда, бугдой поясининг юқори қисмини дон билан бирга қирқиб ташлади. Унинг остидаги 20-25 см. баландликкача сомон эса ўрилмай қолиб кетади. Далага ўт қўяётган деҳқон ўриб тойланган сомонни эмас, ана ўша ўрилмай қолиб кетган ангазга ёқди.

Ўтган йили мен ўттиз сотих ерга бугдой экин эдим. Тобига келгач, ўроқ билан қиртишлаб ўриб чиқдик. Уюм-уюм гарамлар пайдо бўлди. Бир комбайнчи келиб, донини ажратиб берди. Дон-ку, ўнлаб қопларга жойланди, аммо сомон кургури саранжомлаб бўлмади – шунчалик кўп! Иккинчидан, тақир қилиб ўрилган ерда сомонни ёқишнинг иложи ҳам, ҳржати ҳам йўқ экан, дарров ерни ҳайдаттирдик, жўяк олдириб, бошқа экин эдик.

Шундай хулосага келдимки, бугдойзор ерлар яхшилаб молалаб текисланса, комбайннинг бир маромда ишлашига халақит берадиган бегона нарсалардан дала тозалаб чиқилса, фақат дон эмас,

сомон ҳам мўл йиғиштириб олинади, сомон қолдиқларига ўт қўйишга ҳожат ҳам қолмайди, ерни расамади билан ҳайдаб, тақрири экинни номига эмас, рисоладагидай қилиб экиш ва ундан ҳам яхши ҳосил олишга умид қилиш мумкин бўлади.

Афсуски, кўп фермерлар бугдой ўрилган, ўзига қарашли ерни бошқа бировга гектари фалон минг сўм, деб кеч қузга қадар ижарага беради-да, бугдой билан иши бўлмайди. "Бирровчи деҳқон"га эса барибир – у келаси йили бошқа ерни ижарага олади – шунинг учун вақтни ўтказмай, дарров далага ўт қўяди, тезроқ ҳайдаб, экин экиш пайидан бўлади. Унинг учун бу даланинг ери кейинчалик қандай ҳолга тушишининг фарқи йўқ, экинни ундириб, пуллаб олса, кифоя. Шунинг учун ҳам, агар қайсидир фермернинг даласидаги ангаз ёқиладиган бўлса, ана шу фермер бунга жавобгар бўлиши – яхшилаб жаримага тортилиши лозим. Шунингдек, ангази ёқилган ҳар бир гектар ерда ўртача 400 миллион нафар жонивор қирқилиб кетар экан, бунча тирик жонни маҳв этиш нақадар увол эканини мутахассислар жамоатчилик орасида тарғибот қилиб тушунтирсалар, яхши бўлар эди.

Бизнингча, далаларга ўт қўйилмаслиги учун асосий чора – ҳар бир фермер, шунингдек, уни оталиқча олган масъул шахслар бугдой ерга сочилгач, униб чиқмасидан олдин экин майдонининг ҳар бир квадрат метрини синчиклаб кўздан кечириши, ерни тошлардан, шиша, баклажка, арматура, бетон ва ҳоказолардан тозалаш, дўппайган тупроқ уюмларини текислаш пайидан бўлишлари, қишқаси, улкан ўрим комбайнининг кўлда оққуш сузгандай бир маромда дала бўйлаб илгариллаши, агрегат ер бағирлаб сомонни қиртишлаб ўриб кета олиши учун кафолат бера олиши лозим.

Тўғри, бугдойзор – беповён дала, экин майдонлари ҳам катта. Аммо агротехник тадбирлар орасидан бундан осони йўқ. Демак, бу иш ўзига хос экологик кампанияга айлангилса, ҳамма ютади, ҳеч биров зиён кўрмайди.

Ана ўшанда нафақат галла, шу билан бирга сомон ҳам мўл бўлади, деҳқон эса қолган сомонга қачон ўт қўйишни эмас, балки боболаримиз айтгани каби, қизили қирдай бўлиб ётган галла хирмонини ва бунча кўп сомон тойларини қандай қилиб саранжомлашни билмай боши қотади.

Реклама ўрнида

✓ Иқтисодийимиз шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда саноат, ишлаб чиқариш, кичик бизнес субъектлари ҳам маҳсулот ва хизматлар сифатини истеъмолчилар талабига қараб, босқичма-босқич яхшилаб боришга интилоқдалар. Айни кунда Наманган вилоятида 20 мингдан ортиқ кичик ва хусусий тадбиркорлик субъекти, фермер хўжалиғи фаолият кўрсатаётган бўлиб, ҳудуд ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғида уларнинг улуши қарийб 80 фоизни ташкил этаётти. Ҳозирда вилоятда озиқ-овқат, саноат, қишлоқ хўжалик, қурилиш материалларининг асосий қисми ишлаб чиқарилиши эвазига импорт салмоғи бирмунча камайди. Асосий эътибор эса сифатга қаратилаётгани босқич экспортбоп маҳсулотлар тури йилдан-йилга ортиб бораётти.

Тараққиёт мезони

Бинобарин, "Ўзстандарт" агентлигининг "Сифат ойлиғи"ни ўтказиш бўйича ташаббуси Наманган вилоятида қўллаб-қувватланган ҳолда жойларда маҳсулотлар кўрсаткичлари, ишлаб чиқарувчилар ҳамда хизмат кўрсатувчилар ўртасида учрашувлар ташкил этилди.

– Тадбирларда ишлаб чиқилган дастурларга асосан бажарилиши зарур бўлган ишлар, келгуси режалар белгилаб олинди, уларда бош масала – минтақа иқтисодий тармоқларида сифат масаласига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидлаб ўтилди, – дейди "Наманган саноат ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси директори Ботир Бойбобоев. – Қолаверса, "Сифат ойлиғи" маълум корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилган хизмат юзасидан узоқ мuddатга мўлжалланган ички дастур ва мақсадларни белгилаб олиш, маҳсулот сифатини доимий таъминлаш имконини беради. Маҳсулот сифати, унинг рақобатбардорлигини таъминлашда яна бир муҳим омил, бу – корхоналарда ISO 9001 – сифатни бошқариш тизимларини жорий этиши. Бу талабни татбиқ этиш ҳар қандай соҳа бошқаруви тизимида шаффоф ва аниқ режали мақсадларни жамoa бўлиб амалга ошириш, сифатни назорат қилишни ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқарувчилари тақрибасида қўлландан иборат. Фақат бу тизимни амалиётга жорий этиш ва унинг самара бериши корхона раҳбари ва иш бошқарувчиларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Икхтиёрли равишда жорий этиладиган бу тизим тўғрисида Ўзбекистонда бир қанча корхона ва ташкилотлар замонавий бозорда аллақачон ўз ўринларини топиб, иқтисодий ўсишга эришдилар. "Нестле-Ўзбекистон", "Ўз Часис", "Кока-Кола ичимлиғи", "Наманган халқаро аэропорти", "Истиклол-Дизайн", "Ифтихор қийим саноат", "Махсус металл саноат", "Мехмаш" каби корхоналар фаолияти нисоланда бу каби иқтисодий натижаларни кузатиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, корхоналарда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш кўп жиҳатдан малакали кадрлар салоҳиятига ҳам боғлиқ. Шунинг учун марказимиз мутахассисларини қисқа ўқув курсларида ўқитаямиз.

Вилоят иқтисодийини барқарорлаштириш, экспорт салоҳиятини кўтариш учун саноат, ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва халқ хўжалиғи тармоқларида икки муҳим жиҳат алоҳида ўрин тутмоқда. Булар – сифатни яхшилаш ва энергия тежамкорлигини таъминлашдир. Сайёр ўқув курсларининг Наманганда ташкил этилишидан кўзланган мақсад ҳам шу стандартлар асосида мутахассисларни тайёрлашдир. Шу босқичда ISO 9001 ва ISO 50001 халқаро стандартлари бўйича базавий ўқувлар ташкил этилмоқда.

– Марказимиз мутахассислари, эксперт-аудиторлари тадбиркорлар, ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилаш, меъёрий ҳужжатлар таъминоти, синовлар ва сифат тизимларини сертификатлаштириш бўйича зарур хизматлар кўрсатаяпти, – дейди мазкур корхона директори. – Умуман, жамоамизда бугунги кунда 49 нафар мутахассис хизмат кўрсатаётган бўлса, уларнинг 9 нафари миллий сертификатлаштириш тизимини эксперт аудиторлари, 8 нафари эксперт аудиторликка номзодлардир. Наманган муҳандислик – технология институтини жорий йилда соҳа бўйича тамомлаган бир қатор ёшларни сифат тизимларини сертификатлаштириш бўлимига ишга қабул қилдик. Чунки соҳани ёш мутахассислар билан тўлдириб бориш, ёш кадрлар салоҳиятига кенг имкониятлар яратиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, буортманчи билан тўғридан-тўғри доимий равишда ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш, бозорни ўрганиш, яъни маркетинг тадқиқотлари олиб боришда ана шу ёшларга кўпроқ таянаймиз. Давлатимизда халқаро стандартларнинг турли соҳаларга кенг жорий этилаётгани, ишлаб чиқарилаётган, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилаётгани учун ҳам дунёда ўзбек маҳсулотларининг бозори чаққон бўлиб бораётти. Бир пайтлар фақатгина пахтаси билан дунё бозорига ўз ўрнига эга бўлган юртимиз бугунги кунда сархил меваси, полис, сабзавот маҳсулотлари, қовун-тарвузалари билан доғруқ таратаяпти.

12 июль кунин Тошкентда бошланган 1-Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари кўрсаткичларини ўтказиши, унда жаҳоннинг кўплав давлатлари вакилларининг иштироки ҳам Ўзбекистонимизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг экспорти ҳажминини янада ортишига замин яратяпти.

Насиба МҮМИНОВА

Хизматлар лицензияланган

Савол сиздан – жавоб биздан

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАҚ (МИ?)!

– Савдо шохобчасидан қолбаса маҳсулотини сотиб олган эдим. Бироқ уйда бориб унинг ишлаб чиқариш санасига қарасам, қолбаса қобилига тиккер шаклида ёпиштирилган қоғоз тагида яна бошқа сана кўрсатилган экан. Тезда дўконга қайтиб бориб, бу ҳақда сотувчига айтсам, у маҳсулотни қайтариб олмаслигини айтди. Унинг бу хатти-ҳаракати тўғрими?



А.Раҳмонова

Тошкент шаҳри

– Истеъмолчи, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотини харид қилишдан олдин, аввало, унинг ишлаб чиқариш санаси, истеъмол мuddатига эътибор қаратиши лозим. Ўзбекистон Республикаси "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунининг 12-моддасига кўра маҳсулот ёрлиғида унинг ишлаб чиқариш санаси ва истеъмол мuddати кўрсатилиши шарт. Бугунги кунда замонавий технология жиҳозлар ўрнатилган корхоналарда бу жараён автоматик тарзда, ўч-

майдаган, қалбақлаштириб бўлмайдиган қилиб амалга оширилмоқда. Сиз юқоридаги ҳолат бўйича ҳеч иккиланмай истеъмолчи-лар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерациясига мурожаат қилиб, маҳсулотни сифатлигига алмаштириш ёки унга сарф қилган пулни қайтариб олишга ҳақлисиз.

"SANADA" озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сертификатлаштириш бўлими бошлиғи АДЕЛА САЛИХОВА жавоб берди.

ДАВЛАТ ТИЛИДА ЁЗИЛАДИ

– Мамлакатимизга келтирилаётган бир нечта турдаги маҳсулотлар ёрлиғида албатта давлат тилида унинг маркировкаси бўлиши ҳақида эшитдим. Шу ҳақда ОАВ маълумот берсангиз.

Ҳ.Умаров

Навоий вилояти

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра мажбурий тарзда давлат тилида ёрлиқланиши лозим бўлган 43 турдаги импорт истеъмол маҳсулотлар, хусусан, гўшт ва сут маҳсулотлари, табиий асал, мева ҳамда сабзавотлар, уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар, ёғ ва ўсимлик мойлари, шакар ва қандолат маҳсулотлари, шоколад ва какаоли маҳсулотлар,

пишириқлар, алкоғолли ва бошқа ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, туз, пиротехника воситалари, ошона идишлари ва анжомлари, маиший техника буюмлари, болалар ўйинчоқлари ва бошқа турдаги истеъмол товарлари упаковкиси (идиши) (этикетка, бирка, лейбл) да ишлаб чиқарувчи корхона томонидан импортёр давлат тилида маркировка қилиниши шарт. Ҳукуматимизнинг ушбу қароридан кўзда тутилган асосий мақсад – истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашдир.

ИСИГАН ИЧИМЛИКНИ ИЧМАНГ!

– Ҳозирги кунда дўконларда сотилаётган турли рангдаги чанқоқбости ичимликларнинг сифати ҳақида маълумот берсангиз.

М.Назарова

Қўқон

– Чанқоқбости ичимликлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи рухсати билан рўйхатга киритилган озуқавий қўшимчалар қўшилган ҳолда ишлаб чиқарилади. Уларни офтоб тигида кўчаларда сотиш мумкин эмас. Чунки ёруғлик, қуёш нурлари нафақат ичимликлар, балки барча озиқ-овқат маҳсулотларига салбий таъсир кўрсатади. Бунда турли кимёвий жа-

равнлар рўй бериб, инсон организми учун зарарли моддалар ҳосил бўлади. Яна бир жиҳат, рангли ичимликларни ёш болалар иложи борича камроқ истеъмол қилганлари маъқул, чунки қўшимчалар озуқавий бўлса ҳам, улар синтетик йўллар билан олинган. Шу сабабдан болаларимизга табиий шарбатлар, уйда тайёрланган компотлар, мевалар берилиши мақсадга мувофиқ.

"TEKNOSTANDART-NEO" сертификатлаштириш бўлими бошлиғи Татьяна ТОТРОВА жавоб берди.

МОҲИЯТ

Алибек РУСТАМОВ,
академик, тилшунос олим,
"Эл-юрт хурмати" ордени соҳиби:

ЧИГИТ ТИКИЛМАЙДИ ҲАМ, ҚАДАЛМАЙДИ ҲАМ!

Баъзилар "чигит экилди" деган маънода "барака уруги тикилди", "уруг қадалди" деган ибораларни ишлатадилар.

Ҳолбуки, халқимиз уруққа, жумладан, чигитга нисбатан "тикмак" ва "қадамок" феълларини ишлатмайди. Чунки бунинг зарарли томони бор. Бу шундан иборатки, буни эшитган болалар мазкур феълларнинг маъноси ҳақида янглиш тасаввур ҳосил қиладилар, натижада махсус сўзларнинг аҳамияти йўқолиб, нутқ камбағаллашиб ва ноаниқлашиб боради. Мазкур ўртоқлар, ўзларича, биз нутқимизни ранг-баранг қиляпмиз, уни бадийлаштиряпмиз деб ўйласалар керак. Лекин ранг-барангликнинг ўрни, ўз вақти ва чегараси бор. Ёз чилласида янги келин ҳар кунни ёки бир куннинг ўзида кўйлагини янгилаши мумкин, лекин сепини кўрсатаман деб, кўйлакни пиджак, юбка билан алмаштирамайди. "Чигит экиди" ёки "уруг сочи" дейиш ўрнига нутқни ранг-баранг қиламан деб, "уруг тикди ёки қадади" деган ўртоқлар ёз чилласида кўйлакни палто билан алмаштирган кишига ўхшайди.

"Қадамок" феъли умуман экинга нисбатан ишлатилмайди. "Тикмак" феъли кўчатга нисбатан ишлатилади, чунки унинг маъноси тикка қилиб қўймоқдир. Бинобарин, бу феъл байроққа нисбатан ҳам ишлатилади. "Экмак" феъли эса, ҳам уруққа, ҳам кўчатга нисбатан ишлатилади.



ҲАР БИР СЎЗНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Баъзан спорт шарҳловчиларининг оғзидан "қиличбозлар баҳси" ёки "беллашуви", "парашютчилар баҳси" ёки "авиамоделчилар беллашуви" каби ибораларни эшитиш мумкин. Ҳозир хаёлингизга, улар мусобақа сўзини ҳаддан ортиқ такрорлашмаслик, нутқни ранг-баранг қилиш учун "баҳс" ва "беллашмак" сўзларига мурожаат қилган бўлишлари мумкин, деган фикр келди. Бу тўғри фикр. Қайтариқлардан қочиб, маънодош сўзлардан илоҳи борича тўлиқ фойдаланиш керак. Лекин ҳар бир сўзнинг ўз ўрни ва маънодош сўзлардан фойдаланишнинг қоидаси бор. Масалан, "беллашув"ни кўчма маънода ишлаб чиқаришда мусобақалашаётган икки шахсга нисбатан ишлатиш мумкин. Агар уларнинг иши жисмоний куч талаб қиладиган касб бўлса, жуда ўринли бўлади. Аммо "шахматчилар беллашдилар" дейиш тўғри бўлмайди. Чунки шахматта бел кучи керак эмас. Бинобарин, "шахматчилар беллашдилар" деган гапдан улар шахматни кўйиб, фарғонча, яъни бел ушлашиб курашдилар, деган мазмун чиқади. Агар улар шахматда беллашдилар, дейилса, шахматбозлик англашилади, лекин барибир жумла айбли бўлади.

Баҳс эса оғзаки тортишувдир. Ўзбекчада "қиличбозлар баҳсида фалончи галаба қозонди" дейилса, бундан ўша фалончи қиличбозликда эмас, оғзаки олишувда галаба қозонибди, деган маъно чиқади.


"Шахмат мусобақаси" деган иборани "шахмат ўйини", "шатранж ўйини", "шахматбозлик", "шатранжбозлик", "шахмат суришиш", "шахмат олишуви" ва ҳоказо сўз ва иборалар билан алмашиб ишлатиш мумкин. Шунча сўз бўлгани ҳолда "баҳс" ёки "беллашмак" сўзини суниестемол қилишга ҳожат йўқ.

"ЭРКАК" СЎЗИНИ ИНСОНГА НИСБАТАН ИШЛАТМАСЛИК КЕРАК

Баъзан эрлар кийимини "эркак" сўзини нотўғри тушуниш натижасида "эркаклар кийими" дейилади. Бу тўғри эмас. Чунки ўзбек адабий тилида "эр" сўзи инсонга ва "эркак" сўзи ҳайвонларга нисбатан ишлатилади. "Эр" сўзи "хотин"нинг, "эркак" сўзи эса "урғочи", "мода"нинг зиддидир. "Эркак" сўзи баъзи хотинларнинг нутқидан эри камситиш мақсадида ёки уялиб, тортиниб тилга олиш натижасида эрга нисбатан ишлатилади. Буни ҳисобга олиш керак ва "эркак" сўзини инсонга нисбатан ишлатмасликка ҳаракат қилиш лозим.

"МИРИШКОР"МИ, "МИРШИКОР"МИ?

Баъзан "миришкор" сўзини "миришкор" тарзида ўринсиз ишлатадилар. Ҳолбуки, бунинг тўғри шакли "миришкор" бўлиб, "мир" ва "шикор" сўзларидан ясалгандир. "Шикор" ов дегани, "мир" эса "мироб", "миршаб" сўзларидаги "мир" бўлиб, "амир" каби бошлиқ маъносини билдиради. Аслида "мир" "амир" сўзининг қисқарган шакли. "Амир"нинг лугавий маъноси "буюргучи"дир. "Миришаб" деб тунги қоровулларнинг, "мироб" деб сувчиларнинг, "миришкор" деб овчиларнинг бошлиғига айтади. "Миришкор" сўзини деҳқонларга нисбатан "миришкор деҳқон" деб ишлатиш тўғри эмас.



СПОРТ янгиликлари

ЙўЛЛАНМАЛАР КўПАЙМОҚДА

Олимпиада яқинлашгани сайин "Рио-2016" га борадиган спортчиларимиз сафи кенгайиб бораёпти.

Антверпен шаҳрида ўтказилган сузши мусобақасида 100 метрга брасс усулида қатнашган Владислав Мустафин белгиланган масофани 1:00.61 дақиқа ичида сузиб ўтиб, йўлланмага эга бўлди. Бунгача эса аёллар беллашувида Раъно Омонова 200 ва 400 метрга комплекс усулда сузшида йўллангани кўлга киритган эди.

ДЭВИС КУБОГИ: ИЛК РАҚИБЛАРИМИЗ ХИТОЙЛИКЛАР

15-17 июль кунлари Республика Олимпия захиралари мактабиде теннис мусобақаси бўлиб ўтди. Дастлабки турда юртдошларимиз хитойлик тенгқурлари билан куч синашадиган бўлишди. Бахсларда юртимиз шарафини Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Санжар Файзиев ва Журабек Каримовлар ҳимоя қилишди. Мусобақанинг эътиборли жиҳати, голиб жаҳон чемпионати плей-офф ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритади.

ЁШЛАРИМИЗ – СИНГАПУРДА

13-30 октябрь кунлари Бахрайнда бўлиб ўтадиган футбол бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон (U-19) ёшлар терма жамоаси навбатдаги йиғин машғулотларини ўтказиш учун Сингапурга жўнаб кетди. Жасур Абдураимов шогирдлари сафар давомида машғулотлар олиб бориб, бир неча назорат ўйинлари ўтказишни режалаштиришган.

БОЙСУНДА ЯНГИ ФУТБОЛ МАКТАБИ

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳамда "Локомотив" футбол клуби нафақат Тошкент шаҳрида, балки республикамизнинг чекка жойларида ҳам умидли ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун қулай шароит яратишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Сурхондарё вилояти Бойсун туманида фойдаланишга топширилган футбол мактаби ҳам фикримизга ёрқин далилдир. 10 июль кун "Gaza" ўқув-машғулот мажмуасида "Локомотив" болалар-ўсмирлар футбол мактабининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Даргоҳда 50 ўринли меҳмонхона, тренажёр зали, сунъий қўллама ва табиий майсали майдон, болалар бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун дам олиш хоналари мавжуд.

ФОЗИЛ "НАСАФ"ГА ҚАЙТДИ

Мамлакатимизнинг таниқли футболчиларидан бўлган Фозил Мусаев яна Қаршининг "Насаф" жамоаси сафида тўп сурадиган бўлди.

Футболчи 2007-2008 ва 2011-2012 йилги мавсумларда ҳам шу клубда ўйнаб, 2011 йили ОФК кубоги соҳиби бўлган эди. Шундан сўнг Тошкентнинг "Бунёдкор", Қатарнинг "Ал-Муайдар", Тошкентнинг "Локомотив" ва Эроннинг "Сепохон" клубларида фаолият олиб борди.

Фарзона КОМИЛОВА
Тайёрлади.

O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаш жамоаси Кенгаш раисининг Кичик бизнес ва фермерлик масалалари бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти Фермерлар кенгаши раҳбари Тўлқинбой Тўраевага отаси **Ғани ота Тўраев**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА



Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банк

яқинлашиб келаётган "Мустақиллик куни" байрами муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"МУСТАҚИЛЛИК – 25"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-87	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анджон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтинчиқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

- эвалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

"Асака" банк – сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Тадбиркорга мададкормиз!

"Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларига рақобатбардош, экспорттоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришда доимо ҳамкордир. Марказ қошидаги "KASHSERT" сертификатлаштириш идораси, ўлчов воситалари устидан давлат метрологик текшируви ўтказиш бўлими, аккредитланган "Қувват" ва "Озик-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини синаш" лабораториялари ҳамда сифат тизимларини жорий этиш бўлимлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар томонидан:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириладиган ва юртимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш ишларини олиб бориш;
- Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан соҳага оид имзолаган битимларига асосан хорижий давлатлар мувофиқлик сертификатларини тан олиш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назоратини ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириладиган ва мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бўйича синов ишларини олиб бориш;
- халқаро стандартлар асосида метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳаларида, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишда агентлик хизматларини кўрсатиш;
- махсулотни хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш хизматлари кўрсатилмоқда.

МЕТРОЛОГИЯ СОҲАСИДА:

- Геометрик, оғирлик, босим ва вакуум, ҳарорат параметрлари, ҳажм ва сарф, зичлик ва қовушқоқлик, физика-кимёвий, иссиқлик физикаси, оптика ва оптиквий физика, вақт ва частота, электр, газ ва сув ўлчов воситаларини қиёслаш ва калибрлаш;
- ўлчов воситалари ва синов ускуналарини аттестациядан ўтказиш;
- хорижий мамлакатлардан олиб кириладиган ўлчов воситаларини билрамчи метрологик аттестациядан ўтказиш ва Ўзбекистон давлат реестрига киритиш;
- консултатив хизматлар кўрсатиш ишлари олиб борилади.

СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ МУВОФИҚЛИГИНИ ТАСДИҚЛАШ СОҲАСИДА:

- Корхоналарда ISO 9001:2015, ISO 14001:2004, ISO 22001:2005, OHSAS 18001:2007, ISO 50001:2012 Халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, жорий этиш ҳамда ходимларга ўқув курслари ташкил этиш ва такомиллаштириш;
- стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш масалаларида семинарлар ўтказилади.

МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР, АЗИЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ

Марказимизда онлайн тарзида ишлаётган www.kashssm.uz веб-сайти, (0375) 221-09-44 рақамли "Ишонч телефони" орқали Сиз сертификатлаштириш, ўлчов воситаларини қиёслаш ва метрология соҳалари бўйича маълумотлар олишингиз, сертификатлаштириш ва метрологик ишларни тезлаштириш учун аризалар беришингиз ҳамда ўзингизни қизиқтирган саволлар юзасидан мурожаат этишингиз мумкин. Сизларнинг мурожаатингиз бизнинг эътиборимиздан четда қолмайди. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамы!

Манзилимиз: Қарши шаҳри, Хўжабоб кўчаси 6-уй.
Телефонларимиз: (0-375) 221-16-70, 221-08-93. Факс: (0-371) 150-80-61
www.kashssm.uz e-mail: kashkacert@uznet.net

"Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази"
Давлат корхонаси

Хизматлар лицензияланган



МУАССИС:
ТАДБИРКОРЛАР ВА
ИШБИЛАРМОНЛАР
НАРАКАТИ –
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ Қувондиқ САНАКУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ Тўлқун ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Алхам ШОДМОНОВ
Абдулмажид КАРИМОВ Рақул КҲШЕРҒАЕВ
Алишер ШАЙХОВ Виктор ПАК
Ихбол МИРЗО Бегмат ОЧИЛОВ

Тахрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).

Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-30

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

"Ўзбекистон" НМНУ бошмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: S 6477 Тираж: 8688
Баҳоси келишилган нарҳда. Топширилди – 21:30

Тахрират келган кўламлар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларда мавзе сифатида газетга номин кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нукта назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрират жавобар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан сақланган.

ISSN 2151-477X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Набавачилар:
Б. ИСРОИЛОВ, А. МУЗАФФАРОВ